

МАНСАБДОРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ПУТУР ЕТКАЗАДИ

7.

@Xolisnazar

@Xolis_nazar

www.mahalladosh.uz

Маҳалла



№ 14
(1995) 2021 йил
10 апрель



НОМЛАРИНИНГ КЎПАЙИШИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?

19.

ЎЗБЕК ДАСТУРЧИЛАРИ НЕГА ФИНАЛГА БОРА ОЛМАДИ?

13.




БИР ҚАДАМ ОЛДИНГА, ИККИ ҚАДАМ ОРҚАГА... (МИ?)

16.

КРЕДИТ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР НЕГА ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИЛМАЯПТИ?

22.

ТАШҚИ ҚАРЗ ҚАЧОНГАЧА САМАРАСИЗ ЛОЙИҲАЛАРГА ТИКИЛАДИ?




12.

РОССИЯДА МИГРАНТЛАРИМИЗНИ НИМА КУТИБ ТУРИБДИ?



18.



ИНСОФГА ЧАҚИРИШ — ИШ БЕРМАЙДИ

17.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИШ МУМКИН?

Хабарингиз бўлса, яқинда Президентимиз томонидан «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун имзоланган эди. Хўш, ушбу қонуннинг имзоланишига нима сабаб бўлди? Бундан кўзланган мақсад нима? Деҳқон хўжаликларини қандай, қай тартибда ташкил этиш мумкин? Юрtdошларимиздан келадиган ана шундай саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Деҳқон хўжаликлари ва томорқаларда экишни ташкил этиш бўлими мутахассиси Мэлс ТИЛОВОВга мурожаат қилдик.

– «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг янги талқинда қабул қилинишига сабаб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилиши назарда тутилган, – дейди Мэлс ТИЛОВОВ. – Афсуски, баъзи ҳудудларда деҳқон хўжаликлари ерларида аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан уй-жойлар ва бошқа иморатлар қурилиб, турар жой сифатида фойдаланиб келинмоқда. Бунда ерларни асраш, унумдорлигини ошириш ва агротехника талабларига риоя қилиш каби мажбуриятларни бажариш иккинчи даражага тушиб қолган.

Шунингдек, ўрганишларда деҳқон хўжаликлари фаолияти етарли даражада тартибга солинмагани, уларнинг сони ва ажратилган ерларнинг ҳисобини юритиш ҳамон йўлга қўйилмагани ҳамда деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар турлича юритилаётгани маълум бўлди. Шу билан бирга, аҳоли сонининг ошириб бораётгани бир кишига тўғри келадиган ер улушининг тобора камайиб боришига олиб келмоқда.

Қонун қабул қилинишидан мақсад – деҳқон хўжалигини ташкил этиш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, шунингдек, деҳқон хўжаликлари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Кимлар деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин?

– Қонунга кўра, 18 ёшга тўлган, муомалага лаёқатли бўлган, ўзига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида берилган **Ўзбекистон фуқароси ёки Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин.**

Деҳқон хўжалиги бошлиғининг давлат хизматлари марказларига шахсан ташрифи воситасида ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳисобга қўйилади ёки давлат рўйхатидан ўтказилади. Бунда давлат божи ва йиғим ундирилмайди. Деҳқон хўжалигини юритиш учун **0,06 гектардан 1 гектаргача** бўлган ўлчамда



ер участкалари берилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асосий экиндан бўшаган қисми **0,06 гектаргача** бўлган ўлчамда бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага (*учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз*) берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун қаерга мурожаат қилиш керак?

– **Мазкур қонуннинг 6-моддасида деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ташкил этилган деб ҳисобланиши белгиланган.** Амалиётда эса деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун туман ҳокими номига **ариза** билан мурожаат этилади. Ариза Ер ресурслари бўлими томонидан ўрганиб чиқилади. Маълум бир ер майдони танланиб, контур ва ўлчами кўрсатилган ҳолда туман комиссияси далолатномаси ва йиғилиш баёни тузилиб, **ҳоким қарори чиқариб берилди.** Ҳоким қарори асосида ҳар бир туманда Ер ажратиш (реализация қилиш) комиссияси таркиби тасдиқланади. Комиссия котиби ер ресурслари бўлими ҳисобланади (*Асос: Ер Кодексининг 34-моддаси*).

ер участкалари берилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асосий экиндан бўшаган қисми **6 сотихдан 10 гектаргача** бўлган ўлчамда **бир йилгача** бўлган муддатга иккиламчи ижарага (*учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз*) берилиши мумкин.

Қандай маҳсулотлар етиштириш керак?

– Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви асосида фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилиш керак. Деҳқон хўжалиги ўз ихтисослашувини, шу жумла-

Қандай ер участкалари ажратилади?

– Захирадаги ерлар, дов-дарахтлар билан қопланмаган ўрмон фонди ерлари, сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган ҳудуддаги ерлар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг **асосий экиндан бўшаган қисмини такрорий экин учун** бир ёки ундан кўп мавсумга иккиламчи ижара асосида (*учинчи шахсга бермаслик шarti билан*) берилиши мумкин.

Ғалладан бўшаган ерлардан ҳам фойдаланиш мумкинми?

– Ҳа, мумкин. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асосий экиндан бўшаган қисми **6 сотихдан 10 гектаргача** бўлган ўлчамда **бир йилгача** бўлган муддатга иккиламчи ижарага (*учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз*) берилиши мумкин.

Қандай маҳсулотлар етиштириш керак?

– Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви асосида фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилиш керак. Деҳқон хўжалиги ўз ихтисослашувини, шу жумла-

дан, қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари ва ҳажмларини, уларни етиштириш ҳамда агротехник тадбирларни ўтказиш усулларини **муस्ताқил равишда белгилайди.** Деҳқон хўжалиги ўзи ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, муस्ताқил равишда нархлар белгилайди.

Чорвачилик билан ҳам шуғулланиш мумкинми?

– Албатта. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бир вақтда бундай ер участкасида **10 бошгача чорва молни ўтлатишга йўл қўйилади.**

Деҳқон хўжалиги учун берилган ер майдонини ҳоким олиб қўйиши мумкинми?

– Йўқ, мумкин эмас. Қонун билан деҳқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкалари майдонларини уларнинг розилигисиз мақбуллаштиришга (*қисқартиришга, ўзгартиришга ва бошқаларга*) йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу қонун билан давлат деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлаши белгилаб қўйилган.

Рустам ЮСУПОВ.



ОРТИҚЧА ХАРАЖАТ ВА БИР-БИРИНИ ТАКРОРЛОВЧИ ФУНКЦИЯЛАРДАН КИМГА ФОЙДА?

Дунё сиёсий харитасидаги мамлакатлар ўз бошқарувида ХХ аср охири ХХІ аср бошларида маъмурий ислохотларни ўтказдилар. Маъмурий ислохотлар натижасида давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг турли моделлари шаклланди.

Ривожланган давлатларда бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича қўлланаётган замонавий концепцияларда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, давлат органларини оптимallasштириш тўғрисидаги назарий ёндашувлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари очиб берилган. Хусусан, **New public management** концепциясига кўра, давлат бошқарувида замонавий рақамли технологиялар жорий этилиб, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий дастурларни амалга оширишда ҳукумат фаолияти билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари кучига таянилади. Бошқаруви ваколати айрим идораларда жамланмаслиги учун ҳокимиятлар тақсимланади ва улар бир-бирини тийиб туриш тамойили асосида иш кўради. Шунингдек, давлат бошқаруви органларининг фуқаролар ва иқтисодиёт устидан назорати ҳам чекланган бўлади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон давлат бошқарувида қиёсий таҳлил қилганимизда мамлакатимизда қуйидагича тенденция кузатишмоқда, яъни

жамиятнинг турли соҳаларида муайян масала кун тартибига чиқса ва уни ҳал қилиш зарурати юзага келганда шу муаммо билан шугулланувчи янги давлат идораси ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида 24 та вазирлик, 11 та давлат қўмитаси, 33 та агентлик, 6 та қўмита, 15 та инспекция, 5 та марказ ташкил этилган. Мазкур давлат органлари марказий аппаратида жами 7 мингдан ортиқ, ҳудудий бўлинмаларда 32 мингдан ортиқ давлат хизматчиси фаолият юритади.

Молия вазирлиги маълумотига кўра, 2018 йилда давлат бошқаруви идораларини сақлаш харажатлари 2.189,8 млрд. сўмни ташкил этган. 2020 йилда эса 131.104,5 млрд. сўмлик давлат харажатларининг 5.318,6 млрд. сўми **давлат бошқаруви органларини сақлаш учун ажратилган.**

Адли вазирлиги томонидан йўл ҳўжалиги, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, ўрмон ҳўжалиги, туризм, табиатни муҳофаза қилиш, давлат-хусусий шериклик, фармацевтика соҳала-



ридаги вазирлик, идораларга тегишли **48 та такрорланувчи функциялар аниқланган.** Шунингдек, 36 та давлат бошқаруви органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар функциясини қўшиб биргаликда олиб бориш ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича вазифа ва функциялар кўпга давлат идоралари ўртасида бўлинган, аммо уларнинг **ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмагани боис,** масалага комплекс ёндашиш, самарали фаолият юритишнинг имкони йўқ. Шу боис 2021 йил якунига қадар давлат бошқаруви ходимлари сони ўртача **15 фоизгача оптимallasштириш белгиланган.**

Давлат бошқаруви соҳасига янги моделларни жорий этиб, самарадорликка эришган хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада ижобий натижаларга эришган **Эстония** давлатини келти-

риш ўринли.

Ижобий натижа: мустақилликни қўлга киритганидан сўнг 25 йил ўтиб, Эстония жаҳон ИТ стандартларига жавоб бера оладиган рақамли инфратузилма барпо этиб, давлат бошқарувини ҳам ислоҳ қилди. Аҳолиси сони 1 млн. 300 мингдан сал кўпроқ бўлган Эстония 2014 йили дунёнинг исталган мамлакатига фуқаросига Эстония «электрон фуқароси» бўлиш имконини берувчи давлат дастурини ишга туширган. Эстония Республикаси бошқа мамлакатлар учун ҳам фойдали бўлган электрон ҳукуматнинг жорий этилишида амалий ёрдам берувчи **e-Estonia Briefing Centerra** асос солган. Марказ ИТ технологиялар бўйича 130 дан ортиқ мамлакат учун ечимлар тақдим этади.

Хорижий мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган давлат бошқарувининг замонавий моделларини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш ўзининг

ижобий натижасини беради. Шунингдек, ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастурларида ҳам бошқаруви такомиллаштиришга оид вазифаларнинг белгиланиши бу **соҳадаги ислохотларнинг ривожланишини жадаллаштиради.**

Таклиф: юқорида таҳлиллардан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда бошқаруви рақамли технологияларни кенг жорий этиш хисобидан иш жараёнларини оптимallasштириш ҳамда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш, вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш лозим.

Дилдора АНВАРОВА,
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Кишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган маҳалламизда 67 нафар ёш «Ёшлар дафтари»га киритилган. Уларнинг 45 нафарини фермерларга бириктириб, ҳар бирга ғалла майдонларидан 50 сотихдан ажратиб бердик.

ЁШЛАРГА 50 СОТИХДАН ЕР АЖРАТИБ БЕРИЛДИ

Энди улар фермерга кўмаклашиб, шу ер майдонидаги ғалла парваришига қарайди. Режадан ортиғини ўзига олиб, ғалладан бўшаган ерга деҳқончилик қилишади. Бизда, асосан, мош, қисман, кунжут, картошка экилади. «Аёллар дафтари»га киритилган 71 нафар аёлнинг ҳам 12 нафари жамоатчилик ишларига жалб этилиб, бандлиги таъминланди.

Таклиф: бизнинг маҳалламиз ҳам «Обод қиш-

лок» дастурига киритилиб, тупроқ кўчаларимизга шағал ётқизибли, ободонлаштирилса яхши бўларди. Маҳалла идорамиз ҳам ҳаминқадар – эски совхоз биносига ўтирибмиз. Янги маҳалла идораси қурилса, иш фаолиятимиз, аҳолини қабул қилиш ишлари ҳам анча яхшиланарди.

Пардабой ЖўРАЕВ,
Боёвут тумани «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БИЛАСИЗМИ?

ВАЗИРЛАР ЎРИНБОСАРЛАРИ СОНИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИМИ?

Президент томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги қарор имзоланди.

Қарорга мувофиқ, **2021 йил 1 майдан** давлат органлари ходимларининг **сони 15 фоизгача мақбуллаштирилади.** Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

ҳамда уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмаларида жами **5288 та штат қисқарилади.**

Шунингдек, вазирлик ва идораларнинг раҳбар ўринбосарлари лавозимлари ҳам қисқартирилади.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тугатилиб, унинг барча вазифа, функция ва ваколатларини Молия вазирлигига берилди.

ҚОИДАБУЗАРЛИК ҲАР ХИЛ, АММО ЖАЗО БИР ХИЛ. НЕГА?

Шу йил 6 апрель куни Наманган шаҳар Уйчи кўчаси 15-мактаб яқинида «Lasetti» русумли давлат рақами 50 L 200 MA бўлган автомашина ҳайдовчиси светофорнинг қизил чироғида ўтиб, ҳаракати давомида пиёдалар ҳаётини хавфга қўйди. Тезкорлик билан унга чора кўрилиб, базавий ҳисоблашнинг 10 баробари миқдорида жаримага тортилди.



Бу жазо бир қарашда адолатли. Ҳаммаси қонун асосида ҳал этилди. Аммо..

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, автоавариялар ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг ҳуқуқий савияси пастлиги, йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги, шунингдек, менсималиги, ҳуқуқбузарларга қўлланиладиган жазо чораларининг таъсирчан эмаслиги, кўп ҳолларда жазоларнинг содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келмаслиги, жазо чораларини қўллаш механизмнинг мавжудмаслиги билан боғлиқ. Биринчи навбатда, Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексининг транспорт соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун кўзда тутилган жавобгарлик чоралари таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, уларни содир этилган хатти-ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқлаштириш лозим. Жумладан, юқоридаги вазиятда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра транспорт воситалари ҳайдовчилари светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтгани

учун базавий ҳисоблаш миқдори асосида жаримага тортилади.

Масаланинг нозик томони шундаки, светофорнинг тақиқловчи чироғида ўтиш деганда хавфлилик даражаси бир-биридан кескин фарқ қилувчи бир неча ҳуқуқбузарлик туршунлади. Масалан, ҳайдовчи светофорга яқинлашганда кўк чироқ ўчиб, сариқ чироқ порлай бошлади. Ҳайдовчи чорраҳага қисман кириб қўйди (тақиқловчи чизиқни босиб ўтди). Иккинчи ҳолатда сариқ чироқда чорраҳага кириб борди ва уни кесиб ўтгунча қизил чироқ ёнди. Учинчи ҳолатда қизил чироқда тўхтаб туриб, икки ён тараф-

даги йўлда транспорт воситаси йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, светофорнинг қизил чироғида йўлни кесиб ўтди. Тўртинчи ҳолатда ҳайдовчи қасддан совуққонлик билан катта тезликда светофорнинг қизил чироғини кесиб ўтиб кетди, дейлик. Амалдаги қонунчиликка асосан ҳар тўрттала ҳайдовчи бир хилда — базавий ҳисоблаш миқдорида кўра жазоланади. Бизнингча, ҳар бир ҳолат учун алоҳида жазо белгилаш лозим. Айниқса, тўртинчи ҳолатда ҳайдовчининг қилмиши ўта хавфли, у йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари, пиёдалар ҳаётига хавф солиши билан бирга қонунларга очиқданочиқ ҳурматсизлик кўрсатиб, қасддан уни бузмоқда. Шу сабабли бундай ҳуқуқбузарлик учун жазони қатъийроқ қилинса, адолатли бўларди.

Шундай амалиётни транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқарганлик учун ҳам белгилаш мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 1-қисмига биноан

ҳайдовчилар транспорт воситаларини алкоғолли ичимлик, гиёҳванд моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлик учун мастликнинг даражасидан қатъи назар бир хилда — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этиш билан жазоланади. Амалиётда бир шиша пиво ичган ҳайдовчи ҳам, транспортни оёқда туролмайдиган даражада маст ҳолатда бошқарган ҳайдовчи ҳам бир хил жазога тортилади. Бизнингча, мастликнинг энгил даражаси учун маъмурий жазони муайян даражада энгиллаштирган, мастликнинг ўртача даражаси учун амалдаги жазо чорасини сақлаб қолган ҳолда мастликнинг оғир даражаси учун жазони кескин ошириш лозим. Негаки, оғир даражадаги мастлик ҳолатида бўлган ҳайдовчи нафақат ўзининг, балки ўзгаларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

ОҒРИҚ

УЗАТМАСАНГ, ИШГА КИРА ОЛМАЙСАН...

Куни кеча Андижон вилоятида бир фуқаро халқ таълими тизимида юқори лавозимда ишлайдиган «акахон»-лари орқали аттестациядан ўтказиш, икки нафар танишини мактаб директорлиги, дугонасини мактаб директори ўринбосари лавозимига тайинлаш масаласини ҳал қилиб беришни ваъда қилган. Эвазига 8400 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Фирибгар 8400 АҚШ долларининг бир қисмини Андижон шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғига беришини маълум қилгач, унинг кўрсатмаларига асосан, тадбир давом эттирилади. **Қарангки**, Андижон шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи юқоридаги масалаларни ижобий ҳал қилиш эвазига 900 АҚШ долларини пора тариқасида олаётганда ушланади.

Яна бир ҳолат. Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қараш-

ли 1-шаҳар шифохонаси кадрлар бўлими инспектори 200 АҚШ доллари ва 3 миллион сўмни пора сифатида олаётганида қўлга тушди.

Ишга жойлашиш масаласида ким билан гаплашманг, **аксарияти узатмаса олмаслигини айтади.** Тиббиёт муассасаларига оддий ҳамшира бўлиб ишга кириш учун 300 – 500 АҚШ доллари бериш кераклиги ҳеч кимга сир эмас. Мактабгача

таълим тизимида, мактабда ҳам шу аҳвол.

Янги ўқув йили арафасида дарс соатлари бўлинаётганда ишли бўлишни кўзлаган муаллим, бир олам орзулар билан қўлига дипломни олган мутахассис куруқ қўл билан борса, куруқ қайтиши аниқ.

Умуман, «Узатмаса, ишга киролмайсан», «Тил топишмансанг, бирон соҳада ишинг битмайди», қабилдаги гапларни кўп эшитамиз. Ҳатто одатий ҳолдек бунга кўникиб



ҳам кетганмиз.

Бундай иллатлар одатга айланиб, қонқонимизга сингиб кетаётган экан, унда коррупцияга қарши курашиш чораларини ўзгартириш керак. Эҳтимол жуда ошир-

воргандирмиз, аммо шуниси аниқки, биз майда «балиқлар»-ни овлаш билан оворамиз. КИТлар эса, юҳога айланиб боряпти.

Исроил ЮСУПОВ.

АҲОЛИ «ҚҲЙЛАР ЮРИШИ»НИ ҚИЛИШГА НЕГА МАЖБУР БҮЛДИ?

Ҳамма кўрди, ҳамма эшитди: кунни кеча Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокимлиги биноси олдига минг бошдан зиёд қўй ҳайдаб келингани ҳақидаги видео тарқалди. Маълум бўлишича, ҳудуддаги кластер ва фермер хўжалиги ўртасида 49 йилга 834 гектар яйлов ер майдонини ижарага олиш бўйича шартнома тузилган бўлиб, шартномада 1450 бош майда шохли молларни боқиш кўрсатилган бўлса-да, амалда бу ерда 4 мингдан зиёд чорва моллари боқилгани «Қиличли» маҳалласи фуқароларининг норозилигига сабаб бўлган.

Ўрганишлар натижасида кластер ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартнома бекор қилинди. Яйловлар эса тегишли тартибда, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси чорва моллари учун ажратилиши таъкидланди. Шунингдек, туман ҳокимининг тегишли қарори бекор қилиниб, яйлов ер майдонлари туман ҳокимлиги захирасига қайтарилди.

Албатта, бу ўринда кимдир «қўйлар ҳам муаммоларни ҳал қилаётгани»ни таъкидласа, кимдир норозиликнинг бундай «инновацион» усулини таҳлил қилган. **Хўш, нега масала шу даражага етиб келди? Қўйларни туман кўчалари бўйлаб айлантириш тўғрими-ди?** Масъуллар нима учун ўз вақтида бунга эътибор бермади?

Ер ажратиш билан боғлиқ бу каби ҳолатлар кеча ё бугун пайдо бўлиб қолмаган. Неча йиллардан буён бу масала долзарблигини йўқотмай келмоқда. Ҳатто шундай вақтлар бўлдики, фермерлар ўз ерларини олди-ортига қарамай сотди. Ҳоким-



лар томонидан охири ўйланмаган кўплаб мунозарали қарорлар қабул қилинди. Ҳатто уларнинг айримлари суд қарорлари билан бекор ҳам қилинди. Зеро, **улар ё билимсизлик ёки коррупциянинг асоси бўлган.** Бироқ жараён ҳали-ҳануз ўз изига тушиб кетгани йўқ.

Нега? Чунки ер ажратиш ваколати ҳокимлардан олиниб, маҳаллий Кенгашлар ихтиёрига берилди. Бироқ бунда **тартиб ўзгаргани билан моҳият ўша-ўша:** ҳоким қайсидир ер майдонини кимгадир бериш учун тегишли қарор лойиҳасини депутатларга тақдим этади. Одатда бундай қарорлар қайтарилган ҳолатлар амалда кузатилмайди. Зеро, маҳаллий Кенгашга ҳокимлар раислик

қилар экан, қайси депутат унинг қарорига қарши чиқишга ботинди? Ачинарлиси, айрим ҳолларда одамлар эшикма-эшик, йиллаб сарсон-саргардон юравермайдими, уларга қизиғи бўлмайди. Улар учун муҳими, «керакли» қарорнинг қабул қилинишидир. Табиийки, **бу қарорларнинг кейинчалик келтириб чиқарадиган ғавғолари кўпинча ўйлаб кўрилмайди.**

Яна бир гап: аҳоли «қўйлар юриши»ни қилишга нега мажбур бўлди? Сабаби аён, уларни эшитадиган мард топилмади. Фуқаролар мурожаат қилмаган ташкилоти қолмаганини айтмоқда. Бироқ ҳеч ким бунга жиддий эътибор бермаган. Аслида эса, бундай муаммоларни ўрганиш учун Халқ

қабулхоналари тизими ҳам яратилган. У нафақат мурожаатларни қабул қилиб, турли идораларга юборадиган, балки аҳоли кўтараётган муаммоларни тизимлаштириб, таҳлил қиладиган, аҳолининг кайфиятини ўрганиб, раҳбариятни хабардор қиладиган, керак бўлса, ўша муаммоларга тизимли **ечим таклиф қиладиган ижтимоий институт бўлиши керак.** Бироқ...

Ўйланмай чиқарилган қарорлар, бугун қабул қилиб, эртага бекор қилинаётган ҳужжатлар қайси мантиққа тўғри келади? Давлатимиз раҳбари барча даражадаги мансабдорларга одамлар дардига қулоқ тутиш орқали уларнинг муаммоларини ҳал этишга даъват этаётган бир пайтда қаердадир муаммо газак олиб, **халқ кўчага чиқиб кўз ёшини оқизаётгани адолатданми?** Юқоридаги ҳолатда ҳоким қарори бекор қилингани айтилди, хўш, энди унга нисбатан қандайдир чора кўриладими? Қачонгача нотўғри қарор қабул қилганлар жазодан қути-

либ қоладию, ҳамма калтак жабрдийдалар бошида синаверади?

Тўғри, сўнгги пайтларда ер ажратиш, сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан кўпгина мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. Бироқ эътибор берилса, уларнинг аксарияти кадастр, ҳокимлик масъул ходимлари, нари борса, бир-иккита ҳоким ўринбосарларидир. Аслида эса, **туман ҳокимининг изнисиз ҳеч ким бир қарич ерга ҳам эгалик қила олмайди.** Бундан чиқадики, уларнинг кўпчилиги қонунбузарликларга панжа орасидан қараб, томошабин бўлган. Бироқ ҳеч бири жавобгарликка тортилмаган.

Ноқонуний қарор чиқарган, бу қарори билан кимларнидир азият чекишга мажбур қилаётган ҳокимлар нега сувдан қуруқ чиқаверади? Ҳокимлар ноқонуний қарорлари учун қонун олдида, халқ олдида жавоб бермайдими?

Содиқ АБДУРАСУЛОВ,
журналист.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

РАИСНИНГ БИР ЎЗИ НИМА ҚИЛА ОЛАДИ?

Маҳалламиз туман марказида жойлашган. Йиғинга етти йилдан буён раислик қиламан. Ҳудудимизда «Tauroq city» барпо этилмоқда. Ҳозирда бешта 11 қаватли уй қуриб битказилди. Асосийси, канализация қувурлари ўтказилди. Олдиндан мавжуд икки қаватли уйларнинг барчаси капитал таъмирдан чиқарилди. Кўчаларни асфальтлаш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Муаммога ечим излаяпмиз. Гузаримизда ичимлик суви муаммо бўлиб турибди. Қолаверса, табиий газ етказиб беришда ҳам муаммо бор. Босим кучи етмайди, дейишди. Шу боис ҳар бир хонадонни суюлтириган таъминлаш ҳаракати-дамиз. Бу масалаларни яқин кунларда ҳал этиш борасида елиб-югуриб ишлаяпмиз. Айни иш жараёнида масъул котибнинг ўрни билиниб қоляпти. Котиб раисга кўмакчи эди. Бу

лавозимни яна қайта тиклаш керак.

Миграция даражаси юқори. Чет элга ишлашга ва ўқишга кетганлар кўп. Маҳалламиздан 215 киши хорижда юрибди. Биргина АҚШга 60 киши (оиласидан билан бирга ҳисоблаганда) кўчиб кетган. Россия давлатида ҳам фуқароларимиз кўп. Яқинда улар билан телефон орқали гаплашдик. Иш шароити ва яшаш тарзи билан қизиқиб кўрдик. Уларга бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар

ҳақида айтдик.

Яна бир гап. Жорий йилда асосий мақсадимиз, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг муаммоларини ҳал этиш. Ишсизлик йўқ, дея айта олмаймиз. Ҳеч бўлмаса, тикув машинаси олиб бериб бўлса-да, кимнингдир оиласига кўмакчи бўлсак, нимадир қилганимиз билинади. Шу боис қайси оила нимага муҳтож, кимга нима керак, деган саволларни ўртага ташлаб, рўйхат шакллантириб олдик. Энди эса амалий ишлар



қилиш вақти келди. Бу борада маҳалладошларга, албатта, суюнамиз. Раис битта ўзи ҳеч нарсага эришолмайди. Унга ҳудуддаги аҳоли кўмакчи ва тиргак бўлсагина,

натижа кўрсата олиши мумкин.

Матлуба АМИНОВА,
Тойлоқ туманидаги «Чароғбон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ФИРИБГАРНИНГ ФИРИБИГА ҚАЧОН ФИРИБ БЕРАСИЗ?

Оммавий ахборот воситаларини муҳофаза қилувчи органларнинг огоҳлантиришига қарамай, ҳануз фуқаролар фирибгарлар тузоғига осонгина тушиб қолишмоқда. Бунга асосий сабаб нимада? Ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги ёки ишонувчанлик, таклиф этилаётган маиший техника ва кўчмас мулкларнинг арзонлигидами?

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар «Чўлқувар» маҳалласида яшовчи Р.А. «Нахшаб» йиғинида яшовчи М.И.га Қарши туманида жойлашган 0,6 сотих ер участкасини арзон нархда сотишини айтиб, 17500000 сўм қийматидаги пулларни олади. Аммо М.И.га ер участкаси берилмайди. Шундан сўнг Р.А. М.И.га 7500000 сўм қайтариб беради. Шу билан ер участкаси ҳам, қолган пуллар ҳам қулоғини ушлаб кетади.

Тоқати тоқ бўлган М.И. Қарши шаҳар ички ишлар органларига ариза ёзади. Айтилган ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Айтилган экин-тикин пайтидаги югур-югурлар М.И.га яна ортиқча юмуш бўлади. Вақти шошма-шошарлик билан осонгина бериб юборган пулларни қайтаришга соғурилади.

Қонунларимизда фирибгарлик ўзганиш мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончли

суистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритиш, дея ифодаланган. Жиноят кодексининг 168-моддасида эса фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ўзганиш мулкни ёки ўзганиш мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг **эллик бараваридан юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача** озодликни чеклаш ёхуд **уч йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Жазо муқаррар, бироқ нега ҳолатлар сони камаймаяпти. Ёки фирибгарлик содир этилгани ҳақида гапириб, уларга қандай чоралар кўриляётгани борасида кам маълумот бериляптими? Балки «ёхуд»лардан иборат норманинг ўзи таҳрирга муҳтождир?

Бу борада хориж тажрибаси қандай?

Хитой қонунчилигида фирибгарлик алдов асосида жиноятнинг усули ва предмети турларига кўра, ноқонуний пул маблағларини йиғиш, сақлаш, банкдан ёки бошқа кредит ташкилотларидан фирибгарлик йўли билан кредит олиш, вексил, аккредитив кредит карталари билан боғлиқ фирибгарлик турларига ажратилган. **АҚШ жиноят қонунчилигида эса** фирибгарликнинг кўзбўямачилик тусидаги мурожаатларга оид, компьютер, банк, солиқ, почта, телемаркетинг, банкротлик, тиббиёт, суғурта, қимматли қоғозлар айланмасига оид турлари мавжуд. **Франция жиноят қонунчилигида** фирибгарлик жисмоний ёки юридик шахсни алдов асосида чалғитиб, бегона исм, ёлғон мавқе ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб пул, қимматли қоғозлар, моддий бойликлар ёки бошқа мулкларни ўзлаштиришда ёки уларни ўзларига наф келтирмайдиган битимлар тузишига эришишда ифодаланади.



Шунингдек, **Германия** жиноят қонунида тўлов ва банк карталаридан алдов йўли билан фойдаланиш, суғурта соҳасидаги ишончли суистеъмол қилиш каби жиноят таркиблари ҳам мавжуд. Яъни хорижда фирибгарликнинг қандай кўринишда амалга оширилиши мумкинлиги, усул ва турларига аниқлик кiritилган, жавобгарлик ҳам шунга кўра белгиланган.

Бизда эса қонун билан таниш бўлган фуқарода фирибгарликнинг аниқ нима экани ҳақида тасаввур уйғонмайди. У қандай амалга оширилиши мумкинлигини англамайди. Ва яна, аксарият фуқаролар «Фуқаролик кодекси»

нормаларидан беҳабар. Хатто фирибгарга алданиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмай юрганлар қанча.

Ёдингизда бўлсин ҳеч ким ҳеч қачон ўзи учун зарар келтирадиган таклифни сизга бермайди. Арзон уй-жой, осон ўқиш ва ишга кириш ёки олди-берди-да оғзаки шартнома, келишув билингни, бунинг ортида бошқа манфаатлар бор. Ишонувчан бўлманг, ҳуқуқларингизни ўрганинг ва анланг. Ўзгаларнинг алдовлари қурбонига айланманг.

Садоқат МАХСУМОВА
тайёрлади.

ТАКЛИФ

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛСА, МАҲАЛЛА РАИСИ ЖАВОБ БERAДИМИ?

Маҳалла тизимида ишлаётганимга ҳам ўн йилдан ошди. Фаолиятимизга оид янгилар жуда кўп. Халқнинг ҳам маҳаллага ишончи ортмоқда. Бироқ бевосита бизга тааллуқли бўлмаган талаблар кун-сайин ортиб бормоқда. Уч кишига 5-6 штат ишига тенг вазибалар юклатилмоқда.

Муаммо: жиноятчилик ошган маҳаллаларга жавобгарлик белгиланмоқда. **Биринчисида** огоҳлантириш, **иккинчисида** иш ҳақидан 30 фоиз олиб қолиш, **учинчисида** эса ишдан бўшатиш талаби қўйилмоқда. Бизнинг маҳалламизда 2019 йил 7 та, 2020 йил 4 та, жорий йил ҳисобида йўқ.

Таклиф: жиноятчилик ошган-ошмагани маҳалла раиси иш фаолиятига таъсир этмаслиги керак. Чунки қайд этилган аксарият жиноятчиликлар маҳалла ҳудудидаги турли ташкилот, ишлаб чиқариш корхоналари, тўйхонаю савдо шохобчаларида кузатилади. Ёки бошқа ҳудуддан келиб, шу маҳаллада

жиноят содир этган, жанжаллашганлар ҳам кўпчилик. **Масалан**, бизнинг ҳудудда қайд этилган жиноятчиликларнинг барчаси ана шундай ташкилотларда ёки транспорт ҳодисалари сабаб юзага келган.

Шу боис жиноятчиликнинг олдини олиш учун, аввало, профилактика инспекторлари кўпроқ масъул бўлиши керак. Қолаверса, ана шундай турли ташкилоту тўйхона, савдо шохобчалари раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш зарур. Чунки маҳалла раиси тўйхонага, кафе ёки бошқа кўнгилочар жойларга бориб, куну-тун қаровуллик қилиб ўтиролмайдик. Бошқа ишлари ҳам кўп.



Малика ҲАМРОЕВА,
Ғиждувон тумани
«Сардор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.
«Меҳр-саховат» кўкрак нишони ҳамда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони соҳиби.

Интилган имкон топар.
Ҳозирга қадар маҳалла биномиз йўқ. Лекин яқинда қўшни маҳалладан тадбиркор топиб, давлатхусусий шерикчилик асосида маҳалла биноси қурайдиган бўлди. Насиб бўлса, куз ойларида ўз биномизга эга бўламиз.

БИЛАСИЗМИ?
Кимларга бож имтиёзлари бор?
Фуқароларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади
— қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар;
— мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилари.

МАНСАБДОРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ПУТУР ЕТКАЗАДИ

Ислохотларнинг амалда қандай ҳаракатланиши масъулларнинг уни қай даражада тушунишига ҳам боғлиқ. Боиси ташаббуснинг моҳиятини тушунмаган киши уни қандай қилиб аҳолига, халққа етказиши.



Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Нарбаева бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида бўлибди.

Ўрганишлар натижасига кўра, қонунбузарликка йўл қўйган 50 нафар мансабдор шахс жавоб-

гарликка тортилиб, етказилган **1 млрд.** сўмлик зарар ундирилган.

Бир эмас, икки эмас нақд 50 нафар. Ходим, ишчи, фуқаро эмас мансабдор шахс. Яъни ўзи фаолият юритаётган соҳада малака, тажриба ва билимга эга бўлган масъул. Жамиятнинг фаол, зиёли қатлами, бир йўналиш ишонилган инсон.

Ҳуқуқий энциклопедияда мансабдор шахс доимо, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича

ҳокимиятнинг вакиллик функциясини амалга оширувчи ёхуд давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат ва маҳаллий ҳокимият муассасаларида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик функциясини бошқарувчи, дея изоҳланган. Ҳа, бошқарувчи бўлса нима бўлибди, деймиз яна бағрикенглик қилиб.

Тўғри, у ҳам оддий одам, ҳеч ким хато қилишдан кафолатланмаган. **Бироқ** зиммасидаги масъулиятни, билдирилган ишонч залворини ҳис қилган борки, қаддини ўйлаб босади.

Мансабдор ва аҳоли ўртасида субординацияни йўқотиш кераклиги ҳақида гапирляпти. **Баъзи мансабдорлар** буни

амалда кўрсатай деб аҳвол оғир ҳудудга бориб уй қурди, аҳоли билан бир шароитда яшайман, мана кўринглар деди, «очко» ишлади. Бунга қарши эмасмиз. **Аммо** ҳаммаси кўз-кўз учун қилинаётгани ачинарли.

Шу боисми илгари сурилаётган ислохотлар ҳамма жойда ҳам бирдек ҳаракатга келмаяпти. Қачонки вазифалар ижросига, ҳисобот, яхши кўриниш, очко ишлаш учун эмас, виждонан, масъулият билан ёндошилса, натижа бўлади.

Йўқса, мансабдорнинг масъулиятсизлиги сабаб халқда ислохотларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Мансабдор, бу – ҳокимият вакили унинг хатти-ҳаракати фуқарода ҳоки-

мият ҳақида фикрни шакллантиради. Агар «ишонилганлар» шу зайл давом этса, қонун нормаларини ўзи писанд қилмаса, аҳоли қандай йўл тутади?

Кўп вақт мансабдорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари очиқланмаган. **Аниқланса-да,** яширин тарзда жазо қўлланилган. **Фикримизча,** ким, қайси мансабдор қандай норма талабларини бузди, нега бу ишга қўл урди? Айни саволларга жавоблар доим очиқланиб бориши керак. Бу халққа қонун талаблари барча учун бирдек ишлаётганини исботлаш баробарида, давлатга, ислохотларга бўлган ишончини мустаҳкамланишига хизмат қилади.

КЎЗГУ

МАҲАЛЛА ҚАЧОН ИСЛОҲОТЧИ БЎЛАДИ?

Давлат раҳбари маҳалла – ислохотчи бўлиши кераклигини бот-бот такрорламақда. Аммо маҳалла ҳануз ислохотчи бўла олгани йўқ. Хўш, фаолларнинг ислохотчи бўлишига нималар тўсиқ бўляпти?

Маҳалла фаоллари билан мулоқотларда тизимда ҳал этилиши лозим бўлган талай муаммолар борлиги ойдинлашяпти. Олий Мажлис Сенати ахборот хизмати келтирган маълумотлар ҳам сўзимизни тасдиқлайди. **Маълум қилинишича,** Тошкент вилоятида 380 та маҳалла ўз биносига эга эмас. **Оҳангарон, Тошкент, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Бўка, Янгийўл, Чиноз туманларида** инфратузилма тизими шаклланмаган. Маҳаллалардаги таъмир-талаб ички йўллар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари раҳбарларининг ишлари эса **қониқарсиз.**

Шунингдек, меҳнат ярмаркаларида, маҳалла идораларида бўш иш ўринлари, квоталар ҳақида маълумотлар бўйича аҳолида деярли тушунча йўқлиги, бир марталик ишлар бўйича марказлар ташкил этил-



магани келтирилган.

Бу далилларнинг барчаси биргина ҳудудга тегишли. Яна у пойтахтдан унча узоқда эмас. Ишдаги камчиликлар ҳақида гапирилса шароит йўқлиги, вазифаларнинг кўплиги, вақтнинг камлигидан ёзғирамиз. Яъни ўзимизни оқлаш учун турли сабаб, аниқ қилиб айтганда баҳона топамиз. Нега шундай бўлгани сабабларини изламаймиз. **Натижада** бу хато қайта-қайта такрорланаверади. Минг

марта айтилгани, танбеҳ берилгани билан вазият ўзгармайди.

Бунинг учун, аввало, нафақат маҳалла тузилмасида, барча йўналишларда фаолиятга танқидий кўз билан қараш кўникмаси шаклланиши керак. Вилоятдаги 50 фоиз маҳаллада ажралишлар кузатилмади, жиноятга қўл урилмади, дея кўкрак кертандан кўра, қолган 50 фоиздаги аҳволни қандай яхшилаш ҳақида бош қотириш лозим.

Тизимга ислохотчи мақоми берилдими, унга муносиб бўлишга ҳаракат қилиниши керак. Маҳалла фаолида эса ишлаш учун шароит йўқ. Ундан ислохотчи бўлишни кута оламизми? Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди йиғинларнинг моддий-техник базаси масаласи билан қизиқяптими?

Нега маҳалла раиси

шароитини яхшилаш учун ҳомий излаши, кимнингдир биносидан ажратилган ижара хонасида «сиғинди»дек фаолият юритиши керак? Кабинетдан туриб топшириқ бериш, ўнлаб жадвалларни тўлдириш талабини қўйиш, қоғозда ҳаммасини «аъло»га бажариш осон. Бугун жамиятда ижобий тасаввур уйғотиш масаласи ҳам муаммо эмас. Ҳамма гап тизимга масъул қилинганларнинг масъулиятни нечоғли ҳис қилишида, қоғоз учун эмас, амалий натижа учун қилинган ҳаракатида.

Биз бу билан тизимдаги масъуллар ёки ходимлар ишламаяпти, деган фикрни беришдан йироқмиз. **Бироқ** ўз ходимига шароит яратиб бера олмаганлар ходимидан вазифалар ижросини талаб қилишга ҳақлими?

Саҳифани

Садоқат МАХСУМОВА тайёрлади.

«МАҲАЛЛА РАИСИГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ» НОМЛИ МАҚОЛА ЮЗАСИДАН

(«Mahalla» газетаси 2021 йил 15 март 10-сон)

Газета мухбири Хайрулло Абдурахмонов муаллифлигида чоп этилган ушбу мақолада Наманган вилояти Чуст тумани «Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Рустамовага ўз хизмат вазифасини бажараётган вақтда муқаддам ушбу маҳалла раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келган Д.Раҳмановнинг ўғли томонидан суиқасд қилингани, маҳалла профилактика инспектори вазиятга совуққонлик билан ёндашгани, маҳалла раиси туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ш.Йўлдошевга телефон орқали вазиятни тушунтиргани, бироқ на раҳбар, на унинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Д.Уринова жабрланувчидан ҳол-аҳвол сўрамагани баён этилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жорий йилнинг 18 март куни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги юридик бўлими бошлиғи Ш.Умарова ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи Ш.Мамазияев томонидан воқеа жойига борган ҳолда ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганишлар давомида Наманган вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ш.Мусаев, Чуст тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ш.Йўлдошев, унинг биринчи ўринбосари Д.Уринова, «Янгиер» маҳалла раиси Ф.Рустамова ҳамда унинг хотин-қизлар

ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича собиқ ўринбосари Д.Раҳманова, туман ҳокимлиги ва ИИБ масъуллари, халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши депутатлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Ўрганишлар давомида аниқланган далиллар асосида хизмат вазифасига совуққонлик билан қараб, ушбу нохуш ҳолатнинг келиб чиқишига сабабчи бўлгани учун Чуст тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ш.Йўлдошев туман ҳокимининг 2021 йил 18 мартдаги тегишли қарори асосида эгаллаб турган лавозими-

дан озод этилди. Шунингдек, унинг биринчи ўринбосари Д.Уриновага вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 2021 йил 17 мартдаги тегишли буйруғи асосида «хайфсан» интизомий жазоси берилди. Содир этилган салбий ҳолат юзасидан ушбу маҳаллада профилактика инспектори бўлиб ишлаб келаётган, катта лейтенант А.Тожибоевнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилмоқда. Д.Раҳмановнинг ўғли, фуқаро Б.Раҳмоновга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

МАҲАЛЛА РАИСИГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ
Вилоят раиси Хайрулло Абдурахмоновнинг қўли билан...
Раҳиса, қозил тарбиясини қўриб...
Кеча маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ш.Йўлдошевнинг...
«Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Рустамовага ўз хизмат вазифасини бажараётган вақтда муқаддам ушбу маҳалла раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келган Д.Раҳмановнинг ўғли томонидан суиқасд қилингани, маҳалла профилактика инспектори вазиятга совуққонлик билан ёндашгани, маҳалла раиси туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ш.Йўлдошевга телефон орқали вазиятни тушунтиргани, бироқ на раҳбар, на унинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Д.Уринова жабрланувчидан ҳол-аҳвол сўрамагани баён этилган.

органлар томонидан ўрнатилган тартибда жиноят иши қўзғатилган. Ўрганиш якунлари бўйича Чуст тумани «Янгиер» маҳалла раиси Ф.Рустамова ҳамда профилактика инспектори А.Тожибоевларнинг хатти-ҳаракатларига фуқаро Б.Раҳмоновга нисбатан қўзғатилган жиноят иши якуни бўйича ҳуқуқий баҳо бериш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Наманган вилояти маҳалла ва оилани

қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ш.Мусаевга ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари фаолиятини тизимли ташкил этиш, ходимлар билан яқка тартибдаги тарбиявий ва тушунтириш ишларини кучайтириш ҳамда келгусида бу каби салбий ҳолатлар такрорланмаслиги учун барча зарур чораларни кўриш вазифаси юклатилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«АГАР ВАЗИР БИЛАН УЧРАШСАМ...»

Яқингача маҳалла раисларининг асосий вақти ҳокимликдаги мажлисларда ўтиб кетарди. На аҳоли билан ишлашга, на раҳбарият топшириғини бажаришга имкон бўларди. Бугун биз бу каби бекорчи мажлисбозликлардан озод бўлдик. Лекин соҳада ислохотга муҳтож жиҳатлар кўп.



Мисол учун, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими томонидан зудлик билан, деган мазмундаги топшириқлардан қўрқиб қолганмиз. Гоҳида шу даражада ҳисобот сўрашадикки, унга камида бир кун керак бўлади. Лекин зудлик билан бажариш талаб қилинади. Манта-

қан буни имкони йўқ. Бажармасангиз интизомий жазога тортиласиз. Баъзан ёлғон маълумот беришга ҳам мажбур бўламиз. Қачон шу каби кўзбўямачиликдан қутиламиз? Гапнинг дангали, ҳозир бизга туман бўлимидан кўра, секторнинг амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида танишиб боряпмиз, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ҳудудларда юриб, маҳаллалар муаммосини ўрганияпти. Агар вазиримиз бизнинг маҳаллага келсалар, қишлоқларимизни ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ечишда амалий ёрдам сўрардим. Тўғри, бу бизнинг ички муаммо, лекин уни ечиш ташқаридаги омилларга боғлиқ бўлмоқда. Мисол учун, амалда иккита сув билан таъминлайдиган корхона бўлса-да, ҳеч бири ёрдам

бермаяпти. Аксинча, йўқ сувга ой охирида пул ундиришга келишади. Бу эса аҳолида норозилик уйғотади, албатта. Шунингдек, ёшлар билан ишлашда қийинчилик бўлмоқда. Вазиримиздан ё мактаблардаги етакчиларни маҳалла ихтиёрига беришни ёки шу йўналишда қўшимча штат ажратишни сўрардим. Абдулпатто ТУРДИАЛИЕВ, Мингбулоқ туманидаги «Баланд гўртепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР... Эмланганлар ниқобсиз юриши мумкинми? — Вакцина қабул қилган фуқаролар саломатлиги мустаҳкам бўлиб, бемалол кўчаларда ниқобларсиз юриши мумкинми? Севара УБАЙДУЛЛАЕВА, Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси: Йўқ, эмланганлар 2 ёки 3 босқичли эмлашларни олиб тугатгунга қадар уйда ҳам уйдан ташқарида ҳам бошқа инфекция касалликлардан ҳимояланишлари керак. Ниқобларни тақиб юриш билан биз организмга ҳаво томчи орқали тушиши мумкин бўлган бошқа инфекциялардан ҳам ҳимояланамиз, бу эса ўз ўрнида эмланган одамларда коронавирусга қарши иммун таначалар ҳосил бўлишига ёрдам беради.

ИЖТИМОЙ ТАБАҚАЛАНИШ КУЧАЙДИМИ?

Ёхуд «Контейнер сити»лар кимлар учун қуриляпти?


Жамиятимиз кескин табақаланишга тайёри? Айниқса, бу гуруҳларнинг турмуш тарзи, тирикчилиги, яшаш шароити, ҳатто дунёқарашида очикчасига намоён бўлса? Албатта, жамият ҳамини синфларга бўлинган, бўлинади. Бу Америкада ҳам, Европада ҳам, бошқа жойларда ҳам бор. Аммо буни кўз-кўз қилиш, рақобат, интилишнинг ғирром йўллари бурилиб кетиши, қутбланув, ҳасад ва ундан келиб чиқувчи бошқа туйғуларнинг ривожланишига сабаб бўлиши эҳтимоли йўқ эмас.

Собиқ иттифоқ давлатлари, жумладан, биз ҳам яқингача ҳар қандай синфланиш-ни инкор қиладиган, нотабий ва ғайриинсоний, деб ҳисоблайдиган тузумда яшаб келдик. Бу тушунчалар ҳали унутилгани йўқ. Аксинча, жамоавий онгнинг асосий унсурларидан бири сифатида сақланиб турибди. Бизда ҳали табақалар, синфларнинг шаклланиши тўлиқ якунига етмади.

Табиийки, ривожланган жамиятларда гидек орадаги муносабатларни тартибга солувчи, мувозанатда ушловчи кўринмас девор — «ижтимоий келишув»ларни ҳам мукамал, деб бўлмайди. Бу аҳолининг йирик жамоат ташки-

лотлари, сиёсий партияларга ишончининг пастлигида яққол намоён бўлади. Аммо кейинги пайтларда жараённинг тезлашгани билинапти. Бу деярли барча соҳалар — таълим, медицина ва ҳоказоларда кўзга ташланапти. Биз масаланинг биргина жиҳати — одамларнинг яшаш шароитлари, янги қурилаётган уйлар, «сити»ларга тўхталамиз.

«Сити»лар инсоният тамаддунига барча босқичларида (ибтидоий жамоадан ташқари) мавжуд бўлган. Ҳа... Ҳа... мавжуд бўлган. Шаҳарларнинг арк, шахристон ва бошқа қисмлари у ерда яшовчиларнинг мавқеини англатиб турган ва уларни ўз даврининг «сити»си, деб атаса бўлади. Шаҳарларнинг ҳар бир қисмида ўзига ҳос аъёнлар, муҳит, тартиб-қоидалар амал қилган. Таълим, тиббиёт даражаси, қулайликлар ва ҳоказолар ҳам шунга яраша. Масалан, Хоразмдаги Ичан қалъани ўзи даврининг «Сити»си



деб атасак бўлади.

Бугун «сити»лар қуриш нафақат Ўзбекистон, балки собиқ иттифоқ давлатларининг деярли барчасида урфга кирган ва аҳоли табақаланувининг яққол мисоли сифатида осмонга бўй чўзиб турибди. Бу собиқ иттифоқ парчалангандан буён маблағ орттирган мулкдорлар синфининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, улар қўлида тўпланаётган пулларнинг айланишини таъминлаш мақсадида табиий равишда вужудга келган ҳодиса.

Аммо қурилишлар борасида Ўзбекистонда кескин ҳолатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Бизда аҳолининг барча қатламлари учун уй жойлар қуриляпти. Арзон уй-жойлар, ногиронлар учун уй-жойлар, ўртача даромад кўрувчилар учун — турли хусусий корхоналар томонидан қурилаётган, кредитга бериладиган уй-жойлар, эски уйлар ва ҳатто яқинда Бухорода энг муҳтожлар учун контейнерларни уйга ўхшатиб жиҳозлаб сотиш тажрибаси ҳам пайдо бўлди.

Энди бир солиштириб кўринг. Биргина уй-жой масаласида аҳоли ўнлаб табақаларга бўлиниб кетмоқда. 200-300 квадрат метр майдонни эгаллаган, энг қулай шароитлар билан таъминланган «сити»лардан бош-

лаб, контейнердан мослаштирилган уйларгача. Булар эса синфлашув кучаяётганини кўрсатиб қўяпти. Менимча, вазиятни юмшатиш йўлларида бири сифатида ижтимоий ижаралар таклиф қилинаётгани энг тўғри йўл бўлса керак. Фақат бу мақсадда қурилаётган уйлар ипотека уйларида кам бўлмаслиги керак. Фарқ мулк ҳуқуқининг турлари ва рамзий ижара тўловида қолиши керак. Шунда аҳолининг барча қатламларига муносиб шароитларда яшаш имконияти яратилади. Ижтимоий келишув тизими ишлай бошлайди.

Комрон ТУРҒУНОВ.



ЯНГИЛИК



Вазирлар Маҳкамасининг «Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига кўра, 2021 йил 10 апрелдан Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги «Ишга марҳамат» мономаркази МЧЖ Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази давлат муассасаси этиб, қайта ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам худди шундай марказлар иш бошлайди. Яъни фуқарони касб-ҳунарга ўргатиш марказлари ишига давлатнинг ўзи бошқош бўлади.

Меҳнат органларига мурожаат

этаётган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар, чет элдан қайтиб келаётган меҳнат мигрантларини меҳнат бозорига мослаштириш мақсадида аутсорсинг шартларида психолог мутахассислар жалб этилади.

Меҳнат бозори-

ЭНДИ МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАЛАБИ ЎРГАНИЛАДИ

даги талаб ўзгариб бормоқда, янги касблар кириб келмоқда. Касб-ҳунар ўргатишни бозор талабларига асосан ташкил этилиши яхши қадам бўлади. Талабга мос касб эгаси учун эса иш жойи топиш муаммо туғдирмайди. Психолог мутахассисларнинг жалб қилиниши ҳам ўзини оқлаши тайин. Чунки инсон робот эмас, унинг қайси соҳада қобилияти

борлигини аниқлаш, имкониятларини тўғри йўналтириш муҳим жараён ҳисобланади. 2021 йил 1 майга қадар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятини видеокузатув камералари ва abkm.mehnat.uz тизими орқали доимий назорат қилиш имконини берувчи Ситуацион тезкор

марказ ташкил этилади. Қарор билан шунингдек, «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида очик танлов ўтказилиши назарда тутилди. Бу билан тайёрлов марказлари ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилишига эришилади.

Садоқат МАХСУМОВА.

ХОРИЖЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР ҲАМ ФИРИБГАРЛИК ҚУРБОНИГА АЙЛАНИШЯПТИМИ?



Катта маблағга бориб тақаладиган бирор ишга қўл урганда, беихтиёр алданиб қолмасмиканман, дея ўйлаб юрагингиз увишади. Чунки ҳаётда фирибгарларга чув тушган инсонлар ҳақида кўп эшитгансиз. Бу, ҳақиқатан, жудаям аянчли. Ахир мол аччиғи — жон аччиғи, деб бежизга айтилмаган.

Кейинги пайтда бундай кимсалардан юртимизга маблағ олиб кираётган чет элликлар ҳам жабр кўришаётгани ҳақида эшитяпмиз. Мисол учун, шу кунларда Ўзбекистонда меҳмонхона ва туризм бизнеси билан шуғулланмоқчи бўлган афғонистонлик инвесторларни 80 минг АҚШ долларига чув тушириб, бу пулларни ўзлаштирганлик ва бошқа бир қатор жиноятларни содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан суд жараёни кетмоқда. Ўзи юртимизга инвес-

тиция киритиш долзарб бўлиб турганда бу каби ҳолатлар хорижлик сармоядорларнинг ҳафсаласини пир қилмайдими?

Бу жамиятимизда фирибгарлик жинояти ташвишли даражада кўпайгани, унга қарши етарли даражада курашилмаётганидан далолат беради. Назаримизда, қонунчиликда ушбу жиноят учун белгиланган жазо бироз енгилдек. Боиси, кимнидир алдаб пулини олиб қўйган кимсалардан ушбу суммани қайтариб олишнинг аксарият ҳолларда иложи

йўқ. Фирибгар қилмиши учун озодликдан маҳрум қилинишини билади, аммо катта маблағни қўлга киритиш эвазига шунга рози. Қамоққа олинганида унинг номида ҳеч қандай мол-мулк, банкда ҳисоб-рақам бўлмади. Қолаверса, у кўп ўтмай қамоқдан чиқиб келади. Ишга кирса, ойма-ой маошининг маълум бир қисми жабрдийдага ундириб борилади. Аммо бу тўлов жабрланувчига юз йилда ҳам бой берган пулини тўлиқ қайтариб олиш имконини бермайди.

Ҳўп, узоқ йиллардан сўнг қайтариб олган тақдирда ҳам, пули ўша пайтдаги қийматида турмайди. Шунда ҳам фирибгарлик қилган кимса кейинчалик расман бирор жойда ишласа, бу нарса бўлади.

Аслида бу схема кўпчиликка маълум. Тахминларга кўра, мазкур иллатнинг илдизи уюшган жиноий гуруҳларга бориб тақалади. Балки, шунинг учун ҳам у яшовчандир. Нимагадир ҳуқуқ-тартибот идоралари шундай жиноятларни изчил текширмаётгандек

туюлади. Бунга нима монелик қилаётганини эса турлича талкин қилиш ва уларда маълум даражада ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин. Гапнинг лўндаси эса, бу турдаги жиноятлар камаймаётган экан, бунга биринчи навбатда ҳуқуқ-тартибот тизими айбдор. Демак, энг аввало, ушбу тизимга алоқадор идоралар олдида бу борада жиддий савол қўйиш лозим.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

ҲОЛАТ

ТАКСИЧИЛАР УМИДИНИ УЗГАНИ ЙЎҚ...

Бугунги кунда қаерга, қайси вақтдан қатъий назар бормоқчи бўлсангиз, албатта, такси хизматидан фойдаланасиз. Ҳар қандай вазиятда кўчада қолиб кетмаслигингиз тайин. Аммо таксичилик ҳам асон иш эмас. Бола-чақа боқаман, деб уйқусидан кечиб, вилоятлараро кечаю кундуз йўл юрадиган ҳайдовчилар бор...

Ўтган йили ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатига таксичилар киритилмади. Бу борада алоҳида меъёрлар ва ҳужжатлар қилиниши лозимлиги таъкидланди. Аммо қарийб етти ойдири, ҳануз таксичилар ўзини ўзи банд қилувчилар рўйхатига киритилишидан умидвор. Шунча вақтдан буён нима бўлар экан, дея кутишмоқда.

Муаммо нимада? Муаммо шундаки, агар ушбу хизмат бу тоифага киритилса, авваломбор, хавфсизлик нуқтаи назаридан кафолатланиши керак. Бу масала бўйича Транспорт вазирлиги ва керакли ташкилотлар билан иш олиб борилмоқда. Бунда ҳайдовчининг тиббий кўриқдан ўтишидан тортиб, машинанинг техник кўриги қай тартибда амалга оширилишигача ҳисобга олинади. Асосийси, инсон омилининг ҳар томонлама ҳимояланишида. Ким, қачон, қайси машинага ўтириб кетгани маълум бўлиб туриши учун, албатта, агрегаторларга ула-ниши шарт. Шу каби таклиф-

лар асосида тайёрланаётган ҳужжатлар лойиҳаси тақдим этилиши эълон қилинган. Аммо бу жараён қанча вақт давом этиши ҳануз номаълум.

Нима қилиш керак? Таксичиларнинг кутишдан ўзга чораси йўқ. Иложи борича рейдларга тушиб қолмасликка, жарима тўламасликка ҳаракат қилиши керак. Чунки лецензиясиз фаолият олиб бораётганлар талайгина. Рейдлар эса кутилмаганда бўлиб қолаверади.

Шу ўринда битта таклиф ўринли. Лицензия олиб ишлаш кўпчилик учун иқтисодий тарафдан ҳам оғирлик қилиши мумкин. Шу боис лецензиялаш тартибини ўзгартириш муаммоларни камайтирган бўлармиди. Мисол учун, лицензия бериш тартиби ва вақти бўйича ўзгартиришлар (бир ойлик ёки уч ойлик тартибда, яъни таксичилик қилиш мавсуми назарда тутилган ҳолатда) киритиш ўринли. Балки шу йўл билан нимагадир эришиш мумкин?

Шоҳрух ЖЎРАХОНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ИНТЕРНЕТСИЗ ҚИЙИН БЎЛЯПТИ...

Маҳалламизда 5 та қишлоқ бор. Аҳоли, асосан, деҳқончилик орқасидан кун кечиради. Ернинг ҳадисини олган одамларимиз бир йилда икки мартадан ҳосил олишни уддалашади. Қолаверса, ҳудудимизда «Тепла» кичик саноати зонаси ташкил этилгани кўпчиликни иш билан таъминлади.

Ичимлик суви кўп йиллик муаммо эди. Сувимиз ичишга мутлақо яроқсиз бўлиб, кунора машиналарда сув ташишга тўғри келарди. Ҳудудимиз «Обод қишлоқ» дастурига киритилгач, неча йиллик қийинчиликларга барҳам берилиб, сув қувурлари тортилди, қишлоқларимизга тоза ичимлик суви етиб келди.

Муаммо қандай ҳал этилди? Шу пайтгача маҳалла идораси бўлмаган. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда ижрада туриб фаолият олиб борилган. Ишлаш учун маҳалланинг ўз идораси бўлиши кераклиги ҳар доим кўриниб қоларди. Шу боис аҳолини ёрдамга чақириб, ҳашар йўли билан тўрт хонали маҳалла идорасини қурдик. Аҳоли қўлидан келгунича ёрдам берди. Тадбиркорларимиз маблағдан,



Яхшигул САФАРОВА,
Нарпай туманидаги «Тепла» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

усталаримиз ўз меҳнатлари билан қарашди. Каттаю кичик сафарбар этилди. Навбатма-навбат хонадонлар ҳашарчиларни овқатлантиришди. Ҳаттоки, ғишларни ҳам аҳолининг ўзи қуйиб, тайёрлади. Ҳозир кўркам ва замонавий идорамиз бор. Бу маҳалла аҳолининг уйи, десам муболаға бўлмайди. Чунки ҳам-манинг меҳнати бирдай сингган.

Ечимини кутяпмиз. Бугун замон талаби билан барча нарса интернет билан боғланган. Аммо, афсуски, ҳудудимизда интернет йўқ. Айниқса, ўтган йили онлайн таълимда ёшларимиз жуда қийналишди. Бирон ҳужжатни очиб, ўрганиб олиш учун ҳам антенна излаб ҳалак бўламиз. Бу борада муурожаатлар қилганмиз. Ҳозирда жавоб ва самарали ечимни кутиб турибмиз.

СЕМИЗЛИК — ЖАМИЯТ ОҒРИФИГА АЙЛАНМАСИН

Давлатимиз раҳбари ички ишлар тизимидаги камчиликларни тилга олганда, соҳа ходимлари орасида ортиқча вазнга эга инсонлар ҳам борлигини танқид қилиб ўтганди. Ваҳоланки, мазкур тизим вакилларида фаолият хусусиятидан келиб чиқиб, тез ҳаракат қила олиш талаб этилади.

Умуман олганда, семириб кетиш нафақат ички ишлар ходими фаолияти учун халал беради, балки ҳар қандай одамнинг соғлиғи учун муаммо туғдиради. Маълумки, АҚШ ва бошқа айрим давлатларда семизлик ижтимоий касаллик даражасига кўтарилган. Кейинги пайтда юртимизда ҳам унинг аломатлари пайдо бўлаётгандек.

Президентимиз Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги ҳолат мисолида бу ҳақда ўринли огоҳлантириш берди: «Чилонзор туманида ташкил этилган 145 та тиббиёт бригадаси томонидан 51 та маҳаллада 231 минг аҳоли (туманда 258 минг аҳоли истиқомат қилади) хатловдан ўтказилганда 20 минг нафар ортиқча вазнли аҳоли аниқланган. Ваҳоланки, муқаддам

бор-йўғи 1200 та ортиқча вазнли фуқаро рўйхатда турган».

Ички ишлар тизимида ортиқча вазнга эга ходимлар ишлаши ҳам жамиятимизда шу камчилик илдиз отаётгани билан боғлиқлигини эътибордан қочириб бўлмайди. Аслида бу ҳолатга ҳар бир одамнинг ўзи айбдор: соғлом турмуш тарзига риоя қилса, спорт билан шуғулланса, тўғри овқатланса, бундай муаммо бўлмайди.

Аммо жамиятимизда ўрнашиб қолган айрим одатлар, ҳаёт тарзимиздаги кўникмалар одамларда семиришга мойилликни ошироқда. Масалан, тўй ва базмларнинг кўплиги, меҳмондорчилиги маишат-бозликларнинг авж олганидан кўз юлмаймиз. Ҳаммасига онгимиздаги майда орзу-ҳавасларга тобе-



лик сабаб.

Ростдан ҳам, кейинги пайтда икки одам учрашиб қолса, аксарият ҳолларда суҳбат мавзуси ейиш-ичиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Эътибор берсак, йигирма-ўттиз ёш оралиғидаги йигитларимиз ичида қорин қўйиб юборганлари кўп учрайди.

Айтиш жоизки, бу касаллик туфайли жамиятимиз жиддий зарар кўради. Айни пайтда унинг муаммо даражасига чиққан-

лигини эътиборга олсак, ҳаётимиздаги бир қатор одатларни ўзгартириш кераклигини, турмуш тарзимизни ислоҳ қилишимиз зарурлигини эсдан чиқариб бўлмайди.

Бу борада тиббиёт ходимларидан тортиб, кенг жамоатчилик тарғибот ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ. Тиббиётчилар одамлар ўртасида семизликнинг саломатликка зарарлиги ва унга чалинмаслик ёки

ундан қутулиш йўллари тушунтиришса, уламоларимиз ислом динида ҳам бу ҳолатга салбий муносабат борлигини даъват қилишса, зиёлилар, олимлар ёшларимизнинг тафаккур доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилсалар, кўзланган натижага эришилади. Хуллас, бу борада самарали ишлайдиган, таъсир кучига эга тизимни вужудга келтириш керак бўлади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Яхши ниятлар билан оила қураётган ҳар қандай киши ажрашиш ҳақида ўйлашга тайин. Аммо бугунги кунда оилавий ажралишлар, алимент масалалари, 90 фоиз аёлларнинг болалари билан ҳеч нарса қилиб кетиши жамиятнинг оғриқли нуқталаридан бирига айланган. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг шу даврига қадар республика бўйича 9 минг 213 та ажралиш ҳолати қайд этилган. Бу эса ҳар бир оилада бир нафар фарзанд бўлганида ҳам, минглаб болалар тирик етимга айланди дегани. Бунинг ортидан қанчадан-қанча муаммо ва кўнгилсиз вазиятлар келиб чиқади дегани.



Муаммо нимада?

Оила кодексининг «Эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби» деб номланган 6-боби, 29-36-моддаларига «Никоҳ шартномаси» тушунчаси киритилган. Аммо бир неча йилдан буён никоҳ шартномаси ҳақида айтилса-да, бундай шартнома тузиш ҳанузгача бизда оммалашгани йўқ. Сабаби нимада? Кўпчилик никоҳ шартномаси ҳақида билмай-

ди. Билганлар ҳам бунини ишончсизлик кўрсаткичи, деб ўйлашади. Шу ўринда савол туғилади: бундай шартнома ажралишларнинг олдини олиши мумкинми? Қўш-хотинлик масалаларига чек қўя оладими? Аёлни ва болаларнинг келажагини таъминлай оладими?

— Айрим фуқароларнинг фикрича, никоҳ шартномаси фақат мулкий манфаатни кўзлайдиган, оилавий

қадриятлар, аъналаримиз бузилишига олиб келаётган амалиёт саналади, — дейди Давлат хизматлари агентлиги етакчи маслаҳатчиси Мадина Маҳмудова. — Бошқалар эса, айниқса, тадбиркорлар никоҳ шартномаси бугун жуда керакли келишув эканини айтишмоқда. Ҳуқуқшунослар фикрига кўра, никоҳланувчилар нафақат ўзи, балки фарзандлари, уларнинг келажагини ўйлаб ҳам никоҳ шартномаси тузишлари керак. ФХДга келган ёшларга никоҳ шартномаси тузиш ҳақида гапирсак, уларда нотўғри тушунча пайдо бўлади. «Нега, мен ажралиш учун шартнома тузаманми?» дейиша-

ди. Аммо хотин-қизлар учун ҳимоя ордери ташкил этилганида ҳам салбий фикрлар кўп эди. Қайси ўзбек аёли дардини дастурхон қилиб боради, дейдиганлар ҳам бўлганди. Лекин бугунги кунгача 8 минг нафардан ортиқ аёл айнан ўша реабилитация марказларида кўним топгани факт. Шу боис никоҳ шартномаси ҳам бир қанча муаммоларнинг олдини олишга кўмак берган бўлармиди?

Нимага эришиш мумкин? Никоҳ шартномаси дунёнинг жуда кўп давлатларида мавжуд ва бу амалиёт орқали яхши натижаларга эришилган. Бундай келишув доимо сизнинг мулкий ҳуқуқларингизни ҳимоя қилади,

қимматли вақтингизни, асабларингизни асрайди ва оилавий тушунмовчиликларнинг олдини олади. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши фуқароларга никоҳ қуриш, ундан кейинги муносабатларда ҳақ-ҳуқуқларнинг поймол бўлмалиги учун мустаҳкам заминдир. Асосийси, у бизни ўйлантираётган энг катта муаммолардан бири, яъни аёллар ва болалар кўчада сарсону саргардон бўлиб қолмаслигининг кафолатидир. Бу ҳақда кенгроқ тарғиб қилиш ва керак бўлса, мажбурий никоҳ шартномаси тузиш вақти келди, назаримизда.

Нилуфар
ЮНУСОВА.

КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАР ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

Ҳисоб палатаси «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида жойларга чиққан ҳолда эҳтиёжманд оилаларнинг турмуш шароитлари ва уларга кўрсатилаётган ёрдамлар ҳолатини ўрганганда Тошкент вилоятида 40 474 та (163,2 минг аҳоли), Қашқадарё вилоятида эса 52 246 та (229,7 минг аҳоли) эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантириш ва улар билан ишлашда айрим камчиликлар аниқланган.



Айрим жойларда камбағалликдан чиқариш, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича **тизимли ишлар ташкил этилмаган. Хусусан,** кўрсатилган ёрдамлар такрорий ёки ошириб кўрсатилиши натижасида 1 800 та кўмакларнинг **3,2 млрд. сўми** (6,5 фоизи) ўз тасдиғини топмагани, **389,7 млн. сўмлик** 317 та ёрдамлар бўйича маҳсулотлар

аҳолига тўлиқ етказиб берилмагани маълум бўлган.

Буни қарангки, эҳтиёжманд оилаларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Тошкент вилоятида 2 878 нафар фуқаро доимий, 4 909 нафар фуқаро мавсумий, Қашқадарёда 956 нафар фуқаро доимий, 5 843 нафар фуқаро мавсумий иш билан таъминлангани кўрсатилган. **Бироқ** ўрганишлар чоғида

442 нафар фуқаро иш билан банд қилингани **ўз тасдиғини топмаган.**

Айни пайтда юртимиз ҳудудларида ёшлар бандлигини таъминлашнинг яна бир ўзгача амалиёти – «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга ер ажратиш ишлари қизғин давом этмоқда. **Афсуски,** бу жараёнлар баъзи ҳудудларда кўзбўямачилик, қозғозлик учун қилинаётгандай, гўё.

Масалан, Нишон туманида бундан бир йил олдин инвесторга деб фермердан олиб кўйилган ер майдонлари «Ёшлар дафтари»даги ёшларга бўлиб берилган. Бизга келган хабарларга кўра, уларнинг айримлари олган ерларни сотишини ҳам айтишмоқда. **Яна бир**

ҳолат: Боёвут тумани «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пардабой Жўраевнинг таъкидлашича, «Ёшлар дафтари»даги 45 нафар ёш фермерларга бириктирилибди. Уларнинг ҳар бирига бўшаган ғалла майдонларидан 50 сотихдан ер ажратиб бериларкан.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, эртага инвестор келиб, ўзига ажратилган ерини олиб қўйса, бу ёшлар нима қилади? Ёки фермерларга бириктирилган ёшларга ғалладан бўшаган ер майдонларидан ажратилиши қанчалик кафолатланган? Экадиган экин-тикинлари учун техника, сув, минерал ўғитлар қандай таъминланади? Энг муҳими, ёшлар ҳосилини йиғиб-териб

олгунча қандай кун кечиришади?

Таклиф: мамлакатимизда ҳисобсиз ер йўқ. Шу боис ер ажратиш билан ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мушкул. **Негаки,** шунчаки ер бериш орқали мўлҳосил етиштирилиб қолмайди. Унинг ҳам ўзига яраша машаққати, сарф-харажати бор. **Қолаверса,** барча ёшлар ҳам деҳқончиликнинг тилини тушунавермайди. **Назаримизда,** ёшларга ёппасига ер бериш амалиётига чек қўйиш керак. Унинг ўрнига барча ҳудудларда кичик-кичик ишлаб чиқариш корхоналари сонини кўпайтириш зарур. Бунинг учун ер ҳам, маҳсулот ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

Рустам ЮСУПОВ.

МОЛИЯ

ТАШҚИ ҚАРЗ ҚАЧОНГАЧА САМАРАСИЗ ЛОЙИХАЛАРГА ТИКИЛАДИ?

Давлат ташқи қарзи ҳозирда энг кўп мунозараларга сабаб бўлиб келаётган мавзу ва бу тўғри. Зеро, қанча қарз оляпмиз, қаерга сарф-ляпмиз, бунинг натижаси қандай бўляпти, ҳаммаси жамоатчилик назоратида бўлиши керак.

Йўқса, бу соҳада талон-торожликлар, кўзбўямачиликлар, ўзлаштиришлар тўхтамайди. Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган «Ҳукумат соати»да таъкидлашича, халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда ҳам талайгина муаммолар мавжуд.

Муаммо нимада? Давлат ташқи

қарз маблағларини жалб қилган ҳолда 2010-2019 йилларда яқунланган умумий қиймати 12,6 млрд. АҚШ долларига тенг 81 та лойиҳанинг 24 тасида хато ва камчиликлар аниқланган. Бунда айрим лойиҳалар йиллаб кечиктирилган, шунингдек, лойиҳада кўзда тутилган мақсадлар доимий ўзгартирилган ёки сифатсиз асбоб-ускуна ва жиҳозлар қиммат нархларда сотиб олинган.

Ҳатто баъзи лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ўта паст даражада ҳамда лойиҳа маблағлари талон-торож қилинган. Мисол учун, Хитой Эксимбанкдан жалб қилинган 156,4

миллион доллар маблағ ҳисобига барпо этилган Ангрен шина заводи ҳозирда атига 15 фоиз қувватда ишламоқда. Омборида 100 мингта шина сотилмай турибди. Кредит тўловларидан эса 3 миллион доллардан ортиқ қарздорлиги бор. Табиийки, лойиҳа нега бундай муваффақиятсизликка учрагани одамни ўйлантиради. Хўш, шунча маблағ сувга оққандек йўқ бўлиб кетаверадими? Наҳотки, лойиҳа бошидан тўғри режалаштирилмаган бўлса? Лойиҳага масъул бўлганлар қонун олдида жавоб берадими?

Нима қилиш керак? Тан олиш керак, ҳозирча соҳада профессионал



таҳлил етишмаяпти. Истардикки, жамоатчилик назорати нафақат ташқи қарзнинг статистикаси билан, балки лойиҳаларни амалга ошириш жараёни, уларнинг натижадорлиги бўйича ҳам бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди. Қарзлар билан боғлиқ барча жараёнлар бўйича мустақил мониторинг тизими яратилиши керак.

Яъни қарзни олишдан бошлаб, яқунлангандан кейин ҳам мустақил мониторинг қилиш бўйича тизим ишлаб

чиқилиши зарур. Бунда тегишли вазириликларнинг қарз жараёнларидаги роли қандай, улар қандай ишлаши керак, давлат қарзидан фойдаланиб, лойиҳалари молиялаштирилаётган ташкилотларнинг роли қандай бўлиши кераклиги аниқ белгиланиши лозим. Шундагина талон-торожликлар, истиқболи йўқ лойиҳалар учун маблағ сарфлаш каби ҳолатларга барҳам бериллади.

Иброҳим ПЎЛАТОВ.



МЕТРОДАГИ «КЕЛИН САЛОМ» ТОМОШАСИ НИМАДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ?

«Тик-ток»чиларнинг метро поездида кўрсатган «томоша»лари бизга бир нарсани эслатди. Бугунги кунда ёшлар орасида пайдо бўлаётган носоғлом одатлар миллий кадрятларимизни обрўсизлантириш, ўзликимиздан узоқлаштиришга олиб келади.

Ахир жамоат транспортда ошхўрлик қилишганини, «келин салом» ўтказишганини қаерда кўргансиз. Воқеадан беҳабар киши «ҳа энди, ёшларимиз акция ташкил этиб, урф-одатларимизни тарғиб этишаётган-дир-да» деб ўйлаши мумкин. Аслида эса «томоша» иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларидан ўзбекона одатларни масхара қилишаётгани сезилади.

Ачинарлиси, бу ишни қилаётганлар — ўзимизнинг қоракўзлар. Биринчидан, ўзбекларда таомланиш одоблари бор (бунга кейинги пайтда пайдо бўлаётган тўйлар билан боғлиқ бемаза расм-русумларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ). Ҳар қаерда овқатланиб кетилармайди. Дас-

турхон бошида турли қилиқлар қилиш уят ҳисобланади.

Қолаверса, бу қилиқ пандемия шароитида жиддий қоидабузарлик эканини айтмаса ҳам бўлади.

Энди «келин салом»нинг аҳволини кўринг. Фақат куёвнинг жўраларидан иборат даврада келин уларнинг ҳар бирига таъзим ташлаб салом беряпти. Қайнота-қайнонага, куёвнинг бошқа яқинларига, тўйда иштирок этаётган ҳурматли кишиларга «келин салом» берилишини кўргансиз, лекин куёвжўралар йиғилган даврага кириб, ҳар бирига алоҳида салом қилинганини қандай тушуниш мумкин. Куёвда сал бўлса-да орият, келинда уят борми? Бундай аҳмоқона қилиқ эртага ёшлар ўртасида

оммалашмайди, деб ким кафолат беради? Натижада жамиятни тарбия мезонлари, маънавият ўлчовлари тарк этади.

Эсласангиз, олдинроқ Москва метросида ўзбекистонлик қиз кўйлак-лозим кийиб, бошига рўмол ташлаб ҳар бир йўловчига намойишкорона таъзим ташлаганди. Бундай одатдан беҳабар ғайримиллат вакиллари ҳайрон бўлишган. Унинг қилиғи ўзимизнинг ўзбекларга ҳам хунук кўринганди. Ўзингиз ўйланг, томдан тараша тушгандай, югуриб бориб кетаётган одамларнинг йўлини тўсиб «келин салом» қилиш ғалати эмасми. Худди ақлдан озган одамнинг ҳаракатини эслатади.

Шундай экан, ёшлар онгига миллий ғурур ҳиссини баландпарвоз,



сунъий гаплар билан сингдиришга уринмай, уларга ўзликни танитишнинг таъсирчан йўллари излаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Афсуски, ўттиз йилдан бери бу масаланинг ечими топилмаяпти. Тўғри, бу ишни ҳайбарақаллачи зиёлилар, маънавият соҳасининг расмиятчи вакиллари амалга ошира ол-


маслиги тайин. Аммо миллат маънавиятига жони ачидиган адибу олимлар, ватанпарвар, элпарвар юртошларимизнинг бошини бир ерга йиғиб, мазкур юмушга жалб қилинса ва улар иштирокида ёш авлод билан иш олиб борилса, кўзланган натижага эришиш мумкин.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

АФСУС...

ЎЗБЕК ДАСТУРЧИЛАРИ НЕГА ФИНАЛГА БОРА ОЛМАДИ?

Яқинда «Тик-токер»лар байрам қилди. Қизиғи, уларнинг ҳар бири қимматбаҳо совғалар, 50 миллион сўмгача пул мукофотлари билан тақдирланди.



Бошқа ҳолатда эса Грузиянинг Тбилиси шаҳарида бўлиб ўтадиган олий таълим муассасалари ўртасида дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг МДХ давлатлари ўртасидаги финал босқичига йўллангани қўлга киритган Тошкент ахборот технологиялари университети «MathX» жамоаси танловга бора олмади. **Савол туғилади:** ақлли ёшларимизни

нуфузли танловга бориши учун маблағ топилмади? Ҳисоб-китобларга кўра, шу олти кишининг олимпиада харажатларига 10 минг доллар маблағ кетаркан. **АКТ вазирлиги маълумотига кўра,** «World Finals ICPC 2020» дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг онлайн ярим финал босқичида Ўзбекистоннинг жами 38 та ва ТАТУнинг 10 та жамоаси иштирок этган.

Яқинда натижаларига кўра, университетнинг «MathX» жамоаси 3-4 апрель кунлари Россиянинг Санкт-Петербург, Латвиянинг Рига, Беларуссиянинг Минск ва Грузиянинг Тбилиси шаҳарларида бўлиб ўтадиган Олий таълим муассасалари ўртасида дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг МДХ давлатлари ўртасидаги финал босқичида қатнашиш учун йўллангани қўлга киритган.

Ташкилий қўмитадан таклифнома келган. Аммо мураккаб эпидемиологик ҳолатни инобатга олиб, мазкур мусобақага университетнинг «MathX» жамоасини юбориш бўйича имконият ва шарт-шароитлар таҳлил қилинган. Мусобақа ташкилий қўмитаси

билан телефон орқали суҳбатлашилган.

stopcov.ge сайтдан олинган маълумотларга асосан, Грузиядаги бугунги эпидемиологик ҳолат анча салбий ва ушбу мамлакатга ташриф буюрувчилар учун алоҳида эҳтиёт чораларини кўришни тақоза этиши аниқланган. 2021 йил 1 февралдан Грузияга хорижий давлатлардан кириш тартибига асосан, барча давлатлардан авиа қатновлар орқали келган чет эл фуқаролари вакцина олганликлари (2 та дозада) тўғрисида расмий тасдиқлов ҳужжатини тақдим этишлари шартлиги, Грузияга фуқаролар кириши мумкин бўлган 14 мамлакат рўйхатида Ўзбекистон киритилмагани аниқланган.

Ташкилотчиларнинг бу ҳаракатини тушунишга бўлади. Чиндан ҳам, ёшларнинг саломатлиги биз учун муҳим. **Аммо савол пайдо бўлади.** Бошқа давлат вакиллари ҳам эпидемиологик ҳолат сабаб мусобақага кела олишмади? Агар ўзбекистонликларни Грузияга кириши тақиқланган бўлса, нега ташкилотчилар бизнинг вакилларга таклифнома жўнатган? **Балки** мана шу таклифнома асосида истисно тарихида Грузияга киришга рухсат олиш мумкин бўлгандир? Вакилларимизни ўтган вақт орасида вакцина билан эмласа бўлмасмиди?

Назаримизда изласа имкон топиларди.

Диёрбек ФАЙЗ.

ХОМАШЁГА ҚАРАМЛИК ЎСИМЛИК МОЙИ НАРХИГА ТАЪСИР ҚИЛМОҚДА

Ҳамма вақт қайсидир озиқ-овқат маҳсулотига талаб катта бўлади. Табиийки, бу ўша маҳсулот тақчиллигига ва нархини ошишига сабаб бўлади.



Кейинги пайтда мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бозорларда арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилди. Бу ердан бозорда қиммат маҳсулотни нисбатан арзонга сотиб олиш мумкин. **Жумладан**, ўзим ҳам эҳтиёжга зарур бўлган ўсимлик ёғи, ун, шакар маҳсулотларини шу ярмаркалардан сотиб оламан. **Мисол учун**, ўсимлик ёғи дастлаб 11 мингдан сотувга чиқди. Кейин аста нарх ошиб борди.

Ўтган ҳафта 14

мингдан сотиб олган ёғимни бугун 14, 5 мингдан олишга мажбур бўлдим. Яна киши бошига фақат биттадан сотиляпти. Навбатда турганларнинг охири кўринмайди. Ижтимоий тармоқда тарқалган «Авиасозлар» деҳқон бозоридаги манзарани бошқа бозорларда ҳам кўриш мумкин. Чунки бошқа жойларда бу ёғнинг ўртача баҳоси 20 000 сўм атрофида.

Табиий савол туғилади. Нега бу каби навбатлар пайдо бўлмоқда?

Давлат статистика



қўмитаси маълумотларига қараганда, ўсимлик ёғининг ўртача нархи сўнгги уч ойда 17 фоиз кўтарилган. «Ўзғойсаноат» уюшмаси маълумотида кўра, катта ҳажмда озиқ-овқат хомашёларини етиштирадиган давлатлар экспорт ҳажмини камайтиргани бу ҳолатга сабаб бўлаётган экан.

Демак, бундан ҳулоса шуки, биз ёғ хомашёсига қараммиз. **Хўш**, бу қарамликдан қутилиш мумкинми? Ўзимизни-ўзимиз хомашё маҳсулотлари билан таъминлай оламизми?

Қачон ўсимлик ёғи нархи барқарорлашади?

«Ўзғойсаноат»

уюшмаси ахброт хизмати раҳбари Фахриддин КАЛО

НОВга кўра, юртимизга хомашё етказиб берувчи асосий экспортёр давлат, бу – Россия бўлиб, пандемия сабабли улар хомашёни кескин камайтириб юборди. 2019 йилда 270 минг тонна хомашё олган бўлсак, 2020 йилда бу рақам 126 минг тоннага тушиб кетди.

Сабаби, Россия хомашё сотишни тақиқлаб қўйди. 2021 йилнинг

9 январидан 30 январигача бўлган даврга божхона қийматини оширди. Олдин 6,5 фоиз бўлса, ҳозир бож тўлови 30 фоизни ташкил қилмоқда.

Мана шу қарамликни йўқотиш учун босқичма-босқич хомашё етиштириш кўпайтириляпти. Бу йил ҳар йилгига қараганда 3-4 баробар кўп маҳсулот, яъни республика бўйича 305 минг гектар майдонда хомашё етиштирилади. Шу кунгача 100 мингга ҳам бормасди бу рақам. Бундан 400 минг тонна хомашё олинди. 100 минг тонна ўсимлик мойи олинди. Бу импортни 60-65 фоизга қисқартиради.

Табиийки, нархларни стабил ушлаб туриш, кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик имкони бўлади.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

МОЛИЯ

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ЯНА ОРТАДИМИ?

Жаҳон Банкнинг прогнозларига кўра, давлат бюджети даромадларининг қисқариши, вакциналар сотиб олиниши, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини молиялаштириш ва корхоналарни давлат томонидан кредитлаш ҳажмининг ортиши бюджет тақчиллигини 2021 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 5,4 фоизгача оширади.

Буни, албатта, ижобий ҳолат деб бўлмайди. Маълумки, таълим, тиббиёт, ижтимоий муҳофаза, муҳофаа каби соҳалар бюджетдан молиялаштирилади. Демак, ушбу соҳаларга келгусида маблағ ажратиш имкониятлари маълум даражада камайдди. Бундан бюджет маблағлари ажратилиши қисқарар экан-да, деган ҳулоса келиб чиқмайди, балки бу борадаги имкониятларга таъсир қилиши мумкинлигини назарда тутяпмиз.

Ўйлантирадиган жиҳати, Жаҳон Банки ҳисоботида «У асосан давлат қарзларини

кўпайтириш ҳисобига молиялаштирилади» дейилганига қараганда, демак, муаммони ҳал этиш учун давлат қарзларини оширишга тўғри келади. Шунга кўра, жорий йилда Ўзбекистоннинг давлат қарзи ЯИМнинг 42 фоизини ташкил этиши айтилмоқда. Айни вазиятда бу кўрсаткич 37,9 фоизга етган.

Сир эмаски, давлат харажатлари халқдан ундириладиган солиқ ва йиғимлар ҳисобидан қопланади. Кейинги пайтда амалдаги солиқ тартиблари ва жорий этилаётган янги йиғим турлари бўйича жамоатчилик ва айрим экспертлар



томонидан эътирозлар билдирилди.

Назаримизда, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ, жорий этилаётган янги тизимларни сунъий равишда аҳолига енгиллик яратувчи тартиб сифатида тақдим этмаслик лозим. Унга халқнинг ўзи баҳо беради. Ёки ижо-

бий самара бериши кутилган тизимдан тескари натижа кузатишганда танланган йўлнинг хатолигини тан олиб, тезда уни тuzатишга ҳаракат қилиш керак.

Умуман олганда, бюджет тақчиллиги ошишига сабаб бўлган омиллар кўпроқ умумий вазият, яъни

пандемия зарарларини камайтириш тақозоси билан юзага келгани маълум. Эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат эса, ўзи ҳам шундоқ ортиқча сарф-харажатларга мўлжалланган маблағларнинг ўз ўрнида, тўғри ва ҳаққоний сарфланишини таъминлаш масаласидир. Афсуски, тажрибада бунинг акси бўлган ҳолатлар ҳам кўп кузатилди. Яхши тушуниш керакки, қўшимча зарурат учун қилинган ишлар фойда бермаса, кўрадиган зараримиз икки карра ошишига олиб келади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

ЙўЛЛАР ҲАҚИДАГИ УЙЛАРНИНГ ОХИРИ БОРМИ?

Бугун йўллар мавзуси трендга чиққан. Чунки юртимизда мақтан-диган катта йўлларнинг ўзи йўқ. Мисол учун, «Тошкент — Самарқанд» йўналишида ҳаракатланган йўловчи катта йўлдаги ўнқир-чўнқирларни ҳисоблаб, ҳисобига етолмаслиги тайин.

Бошқаларида ҳам аҳвол худди шундай. Кейинги пайтларда пулли йўллар ҳақида ҳам хабарлар тарқалганди. Ундан кўра, бор йўлни сифатли қилиб таъмирлаб қўйишса, бўлмасмикан? Давлат маблағлари бекорга сарфланмаяптимики?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган «Ҳукумат соати»да айнан йўллар мавзуси кўтарилди. Унда депутатлар Ўзбекистондаги автомобиль йўлларининг ҳолати ҳамда замонавий автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар масаласини муҳокама қилишди. Маълумотларга кўра, айнан йўллар учун давлат бюджетидан жуда катта маблағлар ажратилади. Аммо йўлларнинг абгор ҳолатини кўриб, бу



маълумотга ишонишнинг ўзи қийин.

— Мен бугунги тadbирдан етарли даражада хулоса қилиш учун ишлай олдик, дея айта олмайман, — дейди «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров. — Бизнинг маҳаллий кенгаш депутатлари 27 та халқаро юк ташувчи автомашина ҳайдовчилари билан сўровнома ўтказди, юз-ма-юз гаплашди. Улар бир нарсани очиқ-ойдин айтишяпти: «Биз Ўзбекистонга келгунча

3-4та давлатдан ўтиб келамиз ва энг расво йўллар Ўзбекистонники». Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистондан ўтган ҳайдовчилар Ўзбекистоннинг йўли ҳар доим улар учун энг ноқулай ва қийин йўл бўлганини айтяпти. Бу энди амалиёт, биз мутахассис эмасмиз.

Яна бир гап. Ҳозирги кунда автомобиль йўлларининг 3993 км. (9 фоизи) халқаро, 14 203 км. (33 фоизи) давлат ҳамда 24 673 км. (58 фоизи) маҳаллий аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади. Минг афсуски, Ҳукумат



томонидан биргина мана шу йўлларнинг ўзига 1 млрд. 600 млн. АҚШ долларига яқин ташқи қарз маблағлари жалб қилинишига қарамай, ҳали йўлларимизни таъмирлашга эҳтиёж кузатилмоқда. Бундан ташқари, айнан мана шу ташқи қарз ҳисобига молиялаштирилган лойиҳаларда, афсуски, жуда кўп кечикишлар ва қонунбузилишлар учраб турибди. Коррупцион ҳолатларнинг кўплиги эса маълум.

Муаммони қандай ҳал этиш мумкин? Кўпгина давлатларда йўллар инвесторлар томонидан қурилади. Мисол учун, Тожикистон хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда

йўлларни қурган. Бизда эса ўзимиз қурамиз, деб битта йўлни 3-4 марта қурапмиз. Тўғрироғи, чала-чулпа ямаб қўяпмиз, холос. Балки биз ҳам шундай тажрибаларни ўрганиб чиқишимиз керакдир. Инвесторлар жалб этиш вақти келмадимикан? Ҳозирда қиялпмиз, бунча маблағ сарфладик, деган қуруқ ҳисоботлар ҳеч ким учун муҳим эмас. Ҳамма гап амалда бажаришда. Йўллар муаммосига эса 30 йилдан буён барҳам берилгани йўқ. Бу масалада мутасаддилар ўйлаб кўришса ва керакли чора-тадбирлар қўллашса, айти муддао бўларди.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ДАРОМАД ҚИЛИШНИ ЎРГАНИШ КЕРАК

Маҳалламизда ўтган йили ва ҳозирга қадар биронта ажралиш ҳолати кузатилмади ҳамда жиноятчилик қайд этилмади. Бунинг сабаби, аҳоли доимо иш билан бандлиги, оилаларда хотиржамлик, бирдамлик борлигидадир. 12 йилдан бери раислик қиламан. Маҳалламизда бизни қийнаётган анча йиллик муаммолар бор.

Жумладан, улардан бири — ички йўлларнинг ёмонлигидир. Аҳоли қўлдан келганича қарашяпти, барибир ҳар йили куз-қиш мавсумидан кейин таъмирталаб бўлиб қолаверади. Кейинги масала — симёғочларнинг эскиргани. 1969 йилдан буён янгиланмаган. Бу масала бўйича тегишли ташкилотларга бир неча маротаба

муурожаат қилганмиз. Аммо ханузгача ҳал этилгани йўқ. Бу йил мазкур муаммоларни ҳал этиш учун барча имкониятларни ишлатиш ниятидамыз.

Тажрибаларимиз бор. Маҳалламизни меҳнаткашлар маҳалласи, десам ҳам бўлаверади. Ҳеч ким бекор эмас. 50 нафар тadbиркоримиз бор. Яқин кунларда ҳудудимизда ун заводи ишга туширилиши керак. Бу орқали 70 нафар кишининг бандлиги таъминланади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг ўзи йўқ. Боиси аҳоли томорқасидан, чорвачилиги ва паррандачилиги орқали ҳам даромад қилишга ўрганган.

Шахсан ўзим раисман, деб қараб ўтирмайман. Турмуш ўртоғим чорвачилик билан шуғулланади.

Мен эса эрта тонгдан туриб, деярли 10 йилдан буён 8 та кўчага сут сотиб чиқаман. Шу баҳонада оилалардан ҳам хабар оламан. Меҳнатнинг айби йўқ. Меҳнат қилган киши хор бўлмайди. Томорқасидаги бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган фуқароларимизни кўриб, хурсанд бўлиб кетаман. Демак, бу тажрибаларимиз билан бошқаларга бемалол мақтансак бўлади. Аҳоли банд бўлгани боис турли хил кераксиз муаммоларнинг бўлмаслиги турган гап.

Демак, фаровон ва тинч-тотув яшаш, бу — ҳаммининг ўз кўлида. Кимнингдир ёрдамани кутиб, боқимандалик кайфиятида яшаш эса энг катта иснод.



Ҳалима ҲАКИМОВА,
Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги
«Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР... ?

НЕГА СИНОВЛАР ТУГАМАЙ, ВАКЦИНАДАН ФОЙДАЛЕНИЛМОҚДА?

— Охирги вақтлар мени бир савол жуда кўп ўйлантирмоқда. Нега ZF-UZ-VAC 2001 вакцинасининг клиник синовлари охирига етмасдан туриб, вакцинадан фойдаланишга рухсат берилди?

Замира ШУКУРОВА,
Қашқадарё вилояти.

Дилбар ДОЛИМОВА,
Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технология марказининг лаборатория мудири:

— Эътибор берган бўлсангиз, COVID-19 вирусига қарши яратилган вакциналарнинг ҳеч бирининг тўлиқ клиник синовлари тугамаган. Бутун дунёда пандемия шароитида фавқулодда қўллаш учун рухсатнома бериш тартиби мавжуд. Рухсатнома хали рўйхатдан ўтмаган дори воситасини тиббий фавқулодда вазиятлар даврида қўллаш учун рухсат берилиш ҳолати ҳисобланади. Вакцинация олиб борилаётган барча давлатларда ушбу тамойил асосида вакциналар рўйхатга олинмоқда.

Худди шунингдек, Ўзбекистонда ҳам COVID-19 пандемиясини назорат қилиш учун фавқулодда қўллаш тамойилига амал қилинди. Бунда ZF-UZ-VAC 2001 вакцина синовининг I ва II фаза хавфсизлик маълумотлари ва III фазада вакцина олганларнинг камида 50 фоизи икки ой давомида кузатилгани ҳамда натижалар мазкур вакцинанинг нисбатан юқори хавфсизлик профилига эга эканини кўрсатди. Шу боис ZF-UZ-VAC 2001 вакцинасини Ўзбекистон ва Хитойда фавқулодда қўллаш учун рухсат берилди.

БИР ҚАДАМ ОЛДИНГА, ИККИ ҚАДАМ ОРҚАГА... (МИ?)

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисидан «Kun.uz» мухбири Олий суд Пленуми қарорига зид равишда чиқариб юборилибди. Суд иши йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун ундирилган 3,4 млрд. сўм жарималарни талон-торож қилган собиқ судьялар, судья ёрдамчилари ва ЙХХ ходимларига оид бўлган.



«Тўғриси, айни вақтдаги мавжуд муҳитдан уларнинг ОАВ ходимларини суддан чиқариб юборганини табиий қабул қилиш мумкин. Чунки судда қонунларни моҳиятини билмайдиган, билса-да, амал қилмайдиган «роботлар» тиқилиб ётибди. Улар бошқалар билан боғлиқ ишларни сал-пал очик қилса-да, гап ўзларининг одамлари ҳақида кетса, бунга йўл қўя олмайди. Сабаби, улар жуда «оппоқ», ойдан тушишган.

Ўзбекистон халқи-

га «Судга борган ҳар бир фуқаро фақат адолат топишига кафолат берамиз... Ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда онгимизда – адолат, тилимизда – ҳақиқат, дилимизда эса поклик устувор бўлади», дея мурожаат қилган судьяларнинг бу гаплари шунчаки гап учун бўлганини ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Депутатларга ахборот беришни ҳам мустақиллик учун ҳалақит бериш деб қабул қилган», ўта мустақил», «бошқарилмайдиган», «за-

казга ишламайдиган» бунақа суддан бошқа нима ҳам кутиш мумкин: журналистми ҳайда, виждонни сотиб қарор қил, ҳаммасини ёпиб ол, истаганча ўйин қил, «зато» адолатни қадри тушиб қолмайди.

Эссиз, шунча ислохот, шунча ишонч, шунча шароит, Президентнинг шунча эътибори... Ишқилиб «бир тийин», деган гап яна айтилмасинда»...

Бу — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Расул Қушербоевнинг бугун бўлиб ўтган воқеаларга нисбатан муносабати. Шахсан мен ҳам депутат фикрларни юз фоиз қўллаб-қувватлайман. Албатта, эртага Олий суд матбуот хизмати минг бир баҳонага ўралган ўз муносабатини билдиради. Судьялар қайсидир биз билмаган қонуннинг нечанчидир моддаси,

нечанчидир қисми, а, б, в, г, д бандларига биноан, иш кўрган, журналист қанақадир тартибларни «бузган» бўлиб чиқади.

Аммо, минг баҳонага ўралмасин, ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади. Бугун судья қонунни бузди. Бу гап аслида нақадар эриш, кўрқинчли эканини бизнинг жамият ҳали тўлиқ англаб етганича йўқ. Судья журналист ҳуқуқларини поймол этди. Журналист — халқ тили, кўзи, қулоғи демақдир. Демак, судья кўзимиз, тилимиз, қулоғимизни топтади. Афсуски, бу каби ҳолатда судьяга нисбатан бирор чора кўришнинг имкони йўқ. Мавжуд процессуал, бюрократик тартибларда судьяга нисбатан таъсир чоралари назарда тутилган бўлса-да, жараённинг ўта мураккаблиги боис ҳаётда буни амалга ошириб бўлмайди.

Нима қилмоқ керак? Ягона йўл сифатида имкон қадар тезроқ судьяларни сайлаш, уларга нисбатан импичмент жараёнларини қўллаш тизимига ўтиш лозимлигини айтиш мумкин. Тизимни тартибга олиш, мустақиллигини таъминлашнинг бошқа чораси йўқ. Аммо ҳали хокимлар сайлаш масаласини ҳам анчадан буён баҳслашиб ўтирибмиз. Бу борада бирор жиддий қадам қўйилгани йўқ. Демак, судьяларга йўл бўлсин.

Лекин умидни узмаймиз. Барибир қачондир шу тартиблар амал қила бошлайди. Умид қиламизки, яқин йилларда Конституциямизга ҳокимлар ва судьяларни аҳоли томонидан беvosита сайлаш ва бошқа демократик ўзгартиришлар киритилади.

Комрон ТУРҒУНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

БИР КУНГИНА МАҲАЛЛАДА ИШЛАБ КЎРИНГ...

Маҳалламиз ҳудудда беш минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бир ярим мингта оила бор. Кўпчиликнинг кўнглидан чиқиш қийин.

Шу боис тўғриси айтиб қўя қоламиз. Кейинги пайтларда маҳалла ўзи нима иш қилипти, бу тизимнинг кераги борми, деган саволлар, эътирозлар муҳокама қилинаётганидан хабарим бор. Шундай иддаолар билан чиқаётганларга гапим битта: маҳалла раислари, ходимлари суткасига «25 соат» ишлашади.

Шахсан ўзим маҳалла раиси бўлганимча қатор идора ва ташкилотларда фаолият юритганман. Мактаб, ҳокимлик, ҳуқуқ идоралари, хусусий сектор босқичларининг баридан ўтганман. Аммо ҳақиқий иш қандай бўлишини маҳаллада англадим. Бу ерда одамлар билан ишлаймиз. Беvosита масалаларнинг энг бошида туриб

муҳокама қиламиз.

Биргина бугун: эрталаб соат 8.00 да идорага етиб келдим. Эр-хотин жанжаллашган, муаммоли оила бор эди, йўл-йўлакай шуларни кичириб чиқдим. Тозаланиши керак бўлган ариқлар, мактаб олдидаги таъмирталаб йўл масаласида режаларимни яна бир бор ўйлаб олдим. Эҳтимол, сизга лоф, мен учун чин ҳақиқат, тушликкача идорага роса 12 нафар фуқаро мурожаат билан келди. Тўғриси, бунақаси ҳатто ҳуқуқ органларида ҳам бўлмайди. Ўринбосарим билан уларни қабул қилдик. Кечалардан қолган 23 та турли мавзулардаги ёзма мурожаатларни кўриб чиқдик. Тушликдан сўнг «Аёллар

дафтари» ва «Темир дафтар» масаласида ҳудудни айланишимиз керак. Албатта, йўл-йўлакай бошқа масалалар ҳам кўриб кетилаверади. Тахминан кечки саккизларда уйга қайтсак керак. Аммо шунда ҳам бу ишдан кетдик дегани эмас. Зеро, бизнинг ишхона бутун маҳалла ҳисобланади. Ўй давом этади, кимгадир кредит олиб бериш, кимидир ишга жойлаштириш, жиноятчилик масаласи, ажралишлар ва ҳоказо. Хуллас, маҳалла нима иш қилипти, деганларга фақат бир жавобим бор: бир кунгина маҳаллада ишлаб кўринг.

Таклифларга келсак, ажралишлар масаласида ўз қарашларим бор. Тажрибамдан келиб

чиқиб, хусусий адвокатларни ажрим масаласига аралаштирмаслик йўлларини кўришни таклиф қиламан. Яқинда бўлган воқеа. Эр ажралишни тезлаштириш учун адвокат ёллаган. Адвокатга фарқи йўқ. Оилани қанча тез ажратиб берса, шунча кўп пул олади. Шу боис маҳаллага босим ўтказиб бошлади. Гўёки, биз бу оилани тиклашнинг имкони йўқ, деган комиссия хулосасини тезроқ тузиб беришимиз керак эмиш. Адвокат, ҳатто очикчасига шантажга чора бориб етди. Аммо мен шошилмадим.

Келин томонга ҳам, кўёв томонга ҳам бир неча марта бориб келдим. Кўёв адвокатим билан гаплашнинг, деб терс жавоб қайтарди.

Кейин отаси билан суҳбатлашимизга тўғри келди. Хуллас, масалани имкон қадар чўзиб, ёшларга бир-бирини соғинишлари учун вақт бердим. Қарангки, оилани тезроқ ажратиш, мўмай пул олиш истагидаги адвокат мум тишлаб қолди. Бир ойлар ичида эр-хотиннинг гиналари унутилиб, ярашиб кетишди. Шу боис бу масалага хусусий адвокатларнинг аралашувига қаршиман. Менимча, бу борада бошқа бирор тизим ўйлаб топилса, яхши бўларди.

Ғуломбой РАҲМАТОВ,
Хоразм вилояти
Хонқа туманидаги
«Пахтакор»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

ИНСОФГА ЧАҚИРИШ ИШ БЕРМАЙДИ



Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг хабар беришича, Тошкент вилоятининг Ангрен, Нурафшон, Олмалиқ шаҳарлари, Пискент, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан «Сув-оқова» ДУК ҳудудий бошқармаси билан 6 та МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаларига асосан, амалга оширилган ишлар бўйича тузилган ҳужжатларга сохта маълумотлар киритилиб, амалда бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш орқали жами 493,8 млн. сўм бюджет маблағлари талон-торож қилингани аниқланган.

Аввалроқ айнан шу вилоятда ҳисоб-фактураларга мактабларда амалда бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш орқали икки ҳолатда 700 млн. сўмдан зиёд бюджет маблағи ўзлаштирилгани айтилганди.

Хўш, бу ҳолат қачонгача давом этади? Очиги, шу каби ҳолатлар туфайли бюджет маблағларини харж қилиш ва қурилатган объектлар сифати устидан назоратни, шунингдек, коррупцион жиноятлар учун жазони кучайтириш талаб қилинмоқда. Бутун мамлакат бўйича сўнгги йилларда яратилган (қурилган) барча давлат объектларида тўлиқ текширув ўтказиш зарурлиги тўғрисида чақириқлар янграмоқда. Айрим



ҳолларда коррупция илдизини қуритишда ишонсизлик билдирилмоқда. Хўш, бу ҳолатдаги объектив реаллик нималардан иборат? Уларга қандай баҳо бериш мумкин? Бу жараёнда нималарга эътибор бермоқ лозим?...

Энг аввало, коррупцион жиноятлар учун жазони кучайтириш керак. Зеро, инсофга чақириш — иш бермайди; панду насиҳат — кор қилмайди, енгил жазо бериш — самарасиз. Бу ўринда жазонинг даражаси шундай бў-

лиши керакки, у қўлланилганидан сўнг, «кўпнинг ҳаққи»га хиёнат ва «бюджет нони»ни «туя» қилганлар умрининг охиригача бундан ўзига тўғри хулоса чиқарсин.

Қолаверса, сўнгги йилларда қурилган барча давлат объектларида тўлиқ текширув ўтказиш зарур. Бу ҳам фойдадан холи бўлмайди. Шундай қилинса, «давлат пули»ни «туя» қилдиганларнинг кўзлари очилиши турган гап; қолганлар эса

хўшёр тортиб, муздек қатикни ҳам пуфлаб ичадиганлар сафидан жой олиши табиий. Фақат бу «иш»ни амалга ошириш бироз бўлса-да, қўшимча харажатларнинг қилинишини тақозо этади. Лекин ундан «қўрқмаслик» керак. Зеро, қилинган бу қўшимча харажатлар ўзини, албатта, оқлайди.

Шунингдек, коррупция илдизини қуритишда ишонсизликни йўқотиш керак. Албатта, кейинги йилларда шу мақсадда давлат то-

монидан катта ишлар қилинмапти. «Адолат қиличи» ҳар қандай даражадаги «олий мартаба»ли, ҳатто, вазиру ҳокимга ҳам етиб борапти. Бунга эътироф этмасак, ноҳолислик бўлади. Бундай вазиятда эндиликда жамоатчилик назорати ҳам кучлироқ бўлиши керак. Боиси халқ бойлигини туя қилишдек эгри ниятли амалдорларни тўхтатишнинг дунёда исботланган икки усули бор: **жамоатчилик назорати ва шаффофлик.** Демак, ҳар икки ҳолат таъминланар экан, бу борадаги муаммолар ҳам аста-секин камаяди.

Тоҳир МАЛИКОВ,
ҳуқуқшунос.

БОР ГАП

ШАКАР НАРХИ ЯНА КЎТАРИЛАДИМИ?

Ҳар йили апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида кўпчиликни бир савол қийнайди: бу йил шакар нархи кўтарилмасмикан? Ёки бўлмаса, айти шу пайтга келиб, шакарни қоплаб олиб қўядиганлар кўпаяди. Боиси мевалар пишишни бошлаши билан мураббо, компот, шарбат каби маҳсулотларни қишқи мавсумга ғамлаш ишлари бошланиб кетади.



Аммо баъзида шакар нархи баъзи мевалардан анча қимматлашиб кетиши ҳам бор гап. Хўш, бу йил шакар нархида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин?

Дунёда ҳолат қандай? Маълумотларга кўра, Европада шакар танқислиги кузатилмоқда. Бои-

си Европа иттифоқи ва Буюк Британияда 2020/21 йилларда 16,3 миллион тонна шакар ишлаб чиқарилган бўлиб, бу олдинги йилга нисбатан 10 фоизга кам дегани. Россияда ҳам шакар ишлаб чиқариш 63 фоизга камайган. Қирғизистонда эса шакар нархи бир йил

ичида 15 баробарга кўтарилиб кетган ва айти пайтда ҳам нарх-наво ўсишда давом этмоқда.

Ўзбекистонда-чи?

Бизда иккита шакар завод — «Ангрен шакар» ва «Хоразм шакар» МЧЖ халқимиз эҳтиёжини қондириши ва шакар нархидаги барқарорликни ушлаб туриш учун тинимсиз ишлаб келмоқда.

Муаммоларга ечим топилганми?

Тан олиб айтиш керакки, шакар бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг фаолиятида бир қанча табиий ва сунъий тўсиқлар пайдо бўлиб келган. 2020 йилда шакар ишлаб чиқаришимиз коронавирус пандемияси даврида ҳам субъектив қаршиликларга дуч келди.

Ички бозоримизни катта имтиёзлар ёрдами билан импорт шакар қўлга олиши натижасида «Ангрен шакар» ва «Хоразм шакар» МЧЖлар вақтинчага бўлса-да, фаолиятини тўхташига мажбур бўлди. Охир-оқибат шафқатсиз бизнесдаги куттилган натижа бўлди. Кимлардир кутгандек нарх барқарорлиги бузилди. Бу борада Президентимизнинг шахсан ўзи кескин чоралар қўллашни таъкидлаган эди. Шу боис қоридидаги муаммолар ўз вақтида бартараф этилди.

Нарх қандай белгиланган? Бугунги кунда юртимизда шакар биржа орқали сотувга чиқарилиши йўлга қўйилган. Бу эса бир қанча муам-

моларга ва, албатта, коррупцион ҳолатларга чек қўймоқда. Айти кунда биржага «Ангрен шакар»дан чиқаётган шакар нархи 7 минг 120 сўми, «Хоразм шакар»ники эса 7 минг 150 сўми ташкил этмоқда. Ўтган йилнинг март ойида нарх 6 минг 780 сўм бўлган. Бу бир йил ичидаги нархнинг фарқи эса 0,5 фоизни ташкил этмоқда. Маош ва нафақаларнинг 10 фоизга оширилганини ҳисобга олсак, шакар нархи барқарор ва меъёрида сақланмоқда.

Демак, ҳозирча ваҳима қилишга ва саросимага тушишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Кейин нима бўлишини эса вақт кўрсатади.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РОССИЯДА МИГРАНТЛАРИМИЗНИ НИМА КУТИБ ТУРИБДИ?

Россияда ҳаволар исий бошлаши билан қурилишлар, деҳқончиликлар жонланиб, ишга ёлланиш осонлашади. Бизда эса вокзаллар, аэропортлар «музлар ўлкаси»га кетиш тараддудидагилар билан тўлиб-тошади. Аммо дунёнинг энг улкан мамлакатлари ҳам тирикчилик учун келаётганларни меҳмондўстлик билан қарши олавермаган. Бу гал ҳам баҳор ойларида рус ҳукумати мигрантлар учун қатор янгиликларни ҳозирлаб турибди.

Сўнги янгиликларга кўра, Россия — Ўзбекистон орасида мунтазам авиақатновлар яна йўлга қўйилиши арафасида. Расмий манбаларда келтирилишича, Ўзбекистонликлар ҳозирча ҳафтада бир марта мунтазам рейсда Россияга кириш учун асос талаб қилинмаган ҳолда учишлари мумкин бўлади. Ҳафта давомида ўзаро қатновчи чартер рейслар йўловчилар ташишда давом этади. Бу рейсларда Ўзбекистон фуқароларининг Россияга кириш учун маълум асоси талаб қилиниши сақланиб қолмоқда.

Бу нимадан далолат? Хуллас, Ўзбекистондан Россияга минглаб кишилар меҳнат муҳожирлигига келиш учун чегаралар очилишини кутишмоқда. Россия эса уларни бирданига киритмоқчи эмас. Мигрантлар босқичма-босқич, тўлқинлар билан керагича қабул қилинади. Федерация мигрантлар оқимини назоратга олиш, тар-

тибга солиш борасида жиддий ҳаракатларни бошлаган.

Бундан ташқари, Россия Марказий Осиёдан бўлган мигрантларни янги қонун лойиҳалари билан кутиб олмоқда. Россия ИИВ томонидан берилган патентларни электронлаштириш (пластик карта) ҳақидаги таклиф ҳукумат ҳуқуқий порталида 16 апрелгача муҳокамага қўйилган. ИИВнинг билдиришича, патентлар электрон ахборот ташувчисисиз (чип) чиқарилади. Агар таклиф қабул қилинса, патентларнинг сохталаштирилишига чек қўйилиши ва патент олиш тизими осонлашиши билдирилган.

Юқоридагилардан ташқари ҳам янгиликлар кам эмас. Масалан, Россия ҳудудига короновирус инфекцияси кириши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича Тезкор штаб томонидан мамлакатга чет эл фуқароларини ишга жалб қилиш

бўйича Ҳаракатлар алгоритми тасдиқланган. Унга кўра, чет эл фуқароларини ишга жалб қилиш учун иш берувчи ташкилот бир қатор талабларга жавоб бериши керак.

Яъни иш берувчи миллий, федераль ёки минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиши, штатдаги ходимлари сони камида 250 нафар, даромади 2 миллиард рублдан ортиқ ва солиқлардан қарзи бўлмалиги лозим. Уларнинг чет эл фуқароларини ишга жалб қилиш бўйича буюртмалари, талабномалари, меҳнат мигрантларини Россияга олиб кириш билан боғлиқ жараёнларнинг амалга оширилиши «Работа в России» порталида бериб борилади. Шунингдек, меҳнат мигрантлари учун транспорт, овқатланиш, тураржой ва карантин жойларини ташкил этиш иш берувчи ташкилот томонидан таъминланиши керак-лиги билдирилган.



Албатта, пандемия билан асосланган юқоридаги тартиблар мигрантларнинг умумий аҳволи, ҳуқуқий муҳофазасини бироз кучайишига туртки бериши тайин. Аммо, айтиб ўтганимиздек, бу талабларга қатъий амал қилинса, шу пайтгача мамлакатга ишга бориб, тирикчилик қилаётган кўпчилик учун йўллар бекилади. Ўзбекистонга мигрантлар ҳисобидан келаётган валюта миқдори ҳам кескин камайиши аниқ. Яқиндагина Сенат раиси Танзила Норбоева мигрант аёлларни ўз юртимизда ишли қилиш тўғрисидаги чиқишларини ҳам аслида шу янгиликларга тайёргарлик, деб баҳолаш

мумкин.

Бундай ҳолатда биз нима қилишимиз керак? Ҳар доим таъкидланганидек, барча мигрантларни ўз юртимизда бир йил ичида ишли қилиш тўғрисидаги эртақларга ишонмай, аниқ, совуққон чоралар кўриш вақти келяпти. Нима қилиб бўлса-да, мигрантлар оқимини ривожланган мамлакатлар томон буриш чораларини кўришимиз шарт. Ташқи ишлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, элчиларимиз шу йўналишдаги ишларни кескин жонлантиришлари лозим. Зеро, бизнинг бошқа чорамиз йўқ.

Комрон ТУРҒУНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МИГРАЦИЯ — ОҒРИҚЛИ НУҚТАМИЗДИР»

Маҳалламизнинг ҳудуди катта. Шунга яраша ишлар ҳам талайгина. Ўтган йили йиғинимиз «Обод қишлоқ» дастурига киритилгач, маҳалламиз мутлақо янги қиёфага кирди, десам муболаға бўлмайди.

Ҳудудимизда йил бошидан буён биронта жиноятчилик ҳолати қайд этилмагани ишимизнинг самарасидир. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида тинимсиз изланишдамиз. Нима қилсак, қандай қилсак, иш ўрни бўлади, деган ўйдимиз доим.

Муаммо нимада? Ҳозирда ҳудудимиздаги 38 та кўчани асфальтлаш ҳамда эскирган симёғочларни алмаштириш бўйича тегишли ташкилотлар, ҳомийлар билан музокара олиб бораёпмиз. Шунингдек, бизда табиий

газ мутлақо йўқ. Шу боис аҳолини газ баллонлари билан таъминлаш ва уларни ўз вақтида олиб келиб бериш чораларини кўряпмиз.

Яна бир гап. Маҳалламиздаги 100 нафардан зиёд фуқаронинг хорижга иш излаб кетгани — оғриқли нуқтамизидир. Шулардан 43 нафари хотин-қизлар. Айни дамда уларнинг оиласига бориб қайтаришга ва юртимизда яратилаётган имкониятлар, имтиёзли



Дилбар РУСТАМОВА,
Самарқанд вилояти
Жомбой туманидаги
«Беш бола» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

кредитлар хусусида тушунтиришлар олиб борилмоқда. Баъзиларининг ўзлари билан ҳам алоқага чиқиб гаплашяпмиз. Хуллас, олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Маҳалла раиси қачонки халқ дарди билан яшасагина, ишида унум ва барака бўлади.

ФИҚР

«ЎПКА»ЛАР ҚАЧОН ЎПКАСИНИ БОСИБ ОЛАДИ?!

Куни кеча Наманган шаҳрида юз берган ҳолат (мактаб ўқувчилари пиёдалар йўлакчасидан ўтаётганда сфетофорнинг қизил чироғида чиқиб келган машина уларни уриб юборишига бир баҳа қолади) тасвирланган видеони кўриб, тўғриси, бундай учарларни фақат жаримага тортиш эмас, умрбод машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш керак, деган қатъий қарорга келдим. Яхшиямки, бола улгурди. Худо кўрсатмасин, улгурмаганда нима бўларди...

Бундай «ўпка»ларни ҳар доим ҳам тегишли идоралар назорат қилолмаслиги мумкин. Лекин жамоатчилик назоратидан четда қололмайди.

Тасодифан бундай тасвирларни олганлар «козёл» эмас. Кўриб туриб, уларга қарши жазо қўллашни лозим топмаганлар «козёл»дир.

Инсон ҳаётига зомин бўладиган, жамият хавфсизлигига таҳдид солувчиларга қарши ҳар қандай чорани қўллаш тарафдориман.

Жаҳонгир ЗИЯЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

«CITY» НОМЛАРИНИНГ КЎПАЙИШИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?

«City» атамаси луғатимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Аммо бу сўз тезда тилимизга сингиб кетди. «City» деганда, биз янгича услубда қуриладиган осмонўпар бинолар ансамбли, атрофда боғлар ва қулай инфратузилмани тушунаемиз. Аслида эса, инглиз тилида «City» — «катта шаҳар» ёки «қаъла» деган маъноларни англатади. Сўзнинг асл маъносику, майли, ҳар қандай сўз вақтлар ўтиши билан турли талқинларда ишлатилиши, ифодалаётган ҳодисаси ўзгариб бориши мумкин. Аммо қураётган комплексларга шу сўзни тикиштиришимиз шартмикан?



Илгари йирик шаҳарлар таркибида «шаҳарча» — «городок» деган тушунча бўларди. Бу инглиз тилида «town» сўзига тўғри келса керак. Масалан, Тошкентда «Тиббиётчилар шаҳарчаси», «Авиасозлар шаҳарчаси», «Ишчилар шаҳарчаси» ва ҳоказолар бор эди. Ўша ҳудудлар халқ тилида ҳамон аввалгидек аталади. Бу тажриба мутахассисларнинг иш жойларига яқин бўлиши, ўзига хос инфратузулма, ишчан муҳитни яратиш учун амалга оширилган. Бу ҳам аслида янгилик эмас. Қадим-қадимдан шаҳарларда маълум касб эгаларигина яшайдиган маҳаллалар бўлган. Масалан, сандиқчилар, темирчилар, қўнчилар, заргарлар маҳаллалари ва ҳоказо. Аммо хусусийлаштириш даврларида уйлар қўлдан-қўлга ўтиб, шаҳарчалар ўз моҳиятини йўқотди. «City»ларга ҳам шунга ўхшаш бир лойиҳа сифатида баҳо бериш мумкин. Фақат бу жойларда энди маълум мутахассислар гуруҳи эмас, маълум даражада пул орттирганлар тўпланган.

Бу ўринда, «City» сўзининг ўзбекча

шаклидан фойдаланилса нима бўлади, деган савол туғилади. Масалан «Tashkent city» «Olmazor city» дегандан кўра, бирор ўзбекча ном топилса. «Акау city» деганинику, таржима қилишга ҳам қийналасан киши. Чунки «Акау» дегани туркча бўлиб, «оқ ой» дегани. Бу сўз қўшилмаси қадимги турк ва инглиз тилларининг чатишмасидан ҳосил бўлган. Шу ўринда мазкур ном ҳақида яна бир фикрим бор. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг дунёдаги энг машҳур шаҳарлар номини яхши ниятда юртимиздаги қишлоқларга қўйиш одати бўлган. Шу йўсинда Фориж, Бағдод қишлоқлари вужудга келиб, катта туманларга айланиб кетди. Аммо биз бугун қураётган «Акау city» миз қўшимиз Қозоғистондаги бир қишлоқнинг номи эканига нима дейсиз? Яхши ниятларда қуриладиган бу мажмуага бошқа ном қуриб кетганмиди?

Яна бир мажмуа эса негадир «London» деб аталади. Ҳақиқий Лондон шаҳри маркази «London city» деб номлангани боис биздагисига «city»ни қўшишмаган, чоғи. Аммо Британиядаги «London city» шаҳарнинг тарихий марказидир. Худуд илгаридан шаҳарнинг арки бўлиб келган. Худди шундай, «Alfraganus» — пойтахтда буюк

бобокалонимиз ал-Фарғоний шарафига қуриладиган мажмуа. Аммо нега бобокининг европача бузиб талаффуз қилинадиган тахаллусидан фойдаланилганига ақлинг етмайди.

Энди янада ғалатирик масалаларга ўтамиз. Пойтахтимизда «Minerva city» деб номланган бошқа бир комплекс ҳам бор. Албатта, жарангдор ном. Аммо бу нима дегани? Минерва — қадимий Рим санамларидан биридри. Римликлар бу илоҳа шарафига бағишланган байрам — Квинкватрида катта гладиаторлик ўйинлари ташкиллаштириб, одамларни қурбонлик қилишган. Рим шаҳри марказида Минерва ибодатхонаси бўлиб, «Минервага бормоқ» дегани маъжусий санамга ибодат қилишга боришни англатган. Яқинда — бу комплекс битганидан сўнг биз ҳам шу сўз синкримасини ишлата бошлаймиз... «Dream city» — Орзулар шаҳри дегани. Чиройли ном. Хўп, шуни «Орзулар шаҳри» деб қўя қолсак, асакамиз кетадими? Ёки ўзбекча хунук жаранглайдими?

Бу гапларни нимага айтяпман. Кейинги пайтларда «бренд» учун инглизча сўзлардан фойдаланиш урфга кирди. Балки қурувчи компаниялар шундай номланса, савдо юришади, деб ҳисоблашар. Аммо тилимиз шусиз ҳам бошқа

тиллар экспанциясидан анча жабр кўрган. Масалан, илгарироқ газетамизда бозордаги сотувчи маҳсулоти тепасига «Вышие сорт чеснок бор», деб эълон осгани тўғрисида ёзгандик. Бутун бир жумлада фақат «бор» деган ўзбекча сўз ишлатилган. Энди ўзбек тилини ҳимоялаш тўғрисида қатор қарор фармонлар чиқариб, уни бир тил хуружидан бошқасига топшириш мантиқдан бўлмаса керак. Қани бу ерда «Давлат тили ҳақида»ги қонунга ҳурмат? Ачинарлиси, бу ишлар расмий равишда амалга оширилмоқда. Яъни барча расмий ҳужжатларда ҳам инглизча атамалар ишлатилипти. Бундан ташқари, «city»га айланган деярли барча жойларнинг ўзининг миллий тарихий номлари бор. Масалан, «Tashkent city» қадимги «Ўқчи» маҳалласи ўрнида барпо этилди. Маҳалла аҳолиси Қўқон араваси ўқини яшаш билан шуғулланиб келгани учун шу номни олганди. Жилла курси, шулардан фойдалангани маъқул эмасмиди?

Бундан ташқари, «city» сўзининг ўзбекча муқобиллари ҳам йўқ эмас. Масалан, «Шахристон», «арк» тушунчалари шунга мос келса керак. «Tashkent city» ўрнига «Ўқчи арки» ёки «Ўқчи шахристон», «Олмазор шахристон», «Наманган арки» каби ибораларни ишлатсак ҳам бўлади.

Шу ўринда 20 йиллар илгари «Фарғона ҳақиқати» газетасида босилган марҳум халқ шоири Охунжон Ҳақимовнинг «Алишерка ким?» сарлавҳали мақоласи ёдимга тушди. Шоир Фарғона шаҳри марказидаги Алишер Навоий номидаги кинотеатрни ёшлар «Алишерка», деб аташларини тан-

қид қилганди. Бу буюк бобокалонимизга нисбатан ҳурматсизлик эканини қаттиқ куюниб ёзган эди. Бунику, ёшларнинг ўзига хос эркалиги, деб баҳолашимиз мумкин-дир. Аммо бугун биз тарихий жойларимиз номини битта қурилиш баҳонаси билан маъжусий санамлар номига расмий равишда алмаштиряпмиз.

Тўғри, «city»лар қуриш бутун собиқ иттифоқ давлатларида урфга кирди. «Москва Сити», «Грозный-Сити» ва ҳоказо. Аммо кимдир томдан ташласа, бу биз ҳам ташлашимиз керак, дегани эмас. Осмонўпар бинолар янги Ўзбекистоннинг рамзларидан биридри. Рамзларнинг номи эса миллий бўлгани маъқул.

Хўш, тилимизнинг ҳимояси билан шуғулланиши лозим бўлган ташкилотлар — Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Ўзбек тили ва адабиёти университети, барча вазир, йирик амалдорларнинг тил бўйича маслаҳатчилари, кирилл ёки лотин алифбоси бўйича тинмай чиқишлар қилаётган олим у фозиллар нега бу масалага эътибор қаратишмаяпти? Қўришмаяптими, билишмаяптими? Жуда яхши кўриб туришибди, билиб туришибди. Аммо мум тишлашган. Нега?.. Нега ҳуқуқ органлари ўзбек тили ҳимоясига бағишланган ҳужжатлар талабини таъминлашга шошилмаяпти? Ахир, тарихий жойларимиз номини қанақадир тушунарсиз атамалар билан алмаштириб ташлаш, ал-Фарғонийдек боболаримиз номининг бузилган талаффузидан фойдаланиш тарихимизга тўғридан-тўғри хуруж эмасми?

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

ЭЪЛОН

Абдушарипов Маратбек Рузметбой ўғлига Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан берилган №2237476 рақамли рухсатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



«ОДАМЛАР МЕНИ ХАЛҚ ТАРАФИНИ ОЛМАСЛИКДА АЙБЛАШАДИ»

Бошқарув органларини мақбуллаштириш бўйича қарор қанчалар оғир бўлмасин, тўғри қарор. Кам ҳақ бериб, кўп одамни кам фойдали ишлатгандан кўра, кам одамни кўп ҳақ бериб, фойдали ишлатган минг марта яхши.

Давлат хизмати фуқароларнинг асосий даромад манбаи бўлмаслиги керак. Тўғри, бу орқали 5 мингдан ортиқ фуқаро даромад манбаини ўзгартиришга мажбур бўлади, қанчаси ишсиз қийналади...

Бироқ «Йўқдан кўра, шу ҳам яхши» қабилида ишлаб юрганлар мажбур

ўзларини янгидан излашни бошлайдилар. Хусусий бизнес тажрибали, лекин давлатнинг «хўп бўлади» тизимида кўмилиб ётган қобилиятларни кашф қилади. Миллиардлаб бюджет маблағлари ҳисобига тараққиёт учун фойдали лойиҳалар амалга ошади.

Лекин бу қарор бошқарувдаги муаммоларни бартараф этиш учун кам. **Одамларнинг дунёқараши ўзгармас экан, бошқарувнинг дунёқараши ўзгармайди.**

Сўнги 5 йилда жамиятда давлатнинг «ота»лик роли ошиб кетди. Қармоқларни омборга қўйиб, балик тарқатяпмиз.

Собиқ совет даврида эмланган «боқимандалик» яна ҳароратни кўтаряпти. Шикоят-бозлик, ҳасад, ғийбат ва ғаламислик ҳуқуқий онг ошиб бораётганининг кўрсаткичи эмас, ўзимизни алдаяпмиз.

Одамлар ҳақини ҳимоя қилиш учун судга эмас, Президентга мурожаат

қилишмоқда. Мурожаатларнинг мазмунан кўпи «текин сигир бермагани учун маҳаллани ишдан бўшат», «10 миллион сўмдан кам бўлмаган маошли иш топиб бер», «ҳоким мени уйимни таъмирлаб бермади» экани дардимизнинг даражасини кўрсатади.

Одамлар мени халқ тарафини олмасликда айблашади. Аксинча, мен ўзбек халқини дунёда ўрнини топиши, катта давлатларнинг қош-қовоғига боғланиб яшамаслиги учун

ўзгариши керак, деб ҳисоблайман.

Ўзгариш доим оғриқли бўлади. Камчиликларимизни яшириб, ўзимизни ўзимиз алдаб, шу ҳолатга келганмиз. **Яхши яшаш учун ўзимизни ўзимиз ислоҳ қилишимиз керак. Аксинча ҳеч қандай ҳокимият бизни ислоҳ қилмайди.**

**Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси Спикери
ўринбосари.**

РАИС НИМА ДЕЙДИ?

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ОДАМ ҚИЙНАЛМАЙДИ

Маҳалламиз Иштихон туманининг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Туман марказигача 27 км. масофани босиб ўтиш керак. Биздаги асосий муаммолардан бири — йўлларимизнинг абгор ҳолга келиб қолгани. Аммо аҳолининг кўмаги ва ҳашар йўли билан ички йўлларга тош тўктириб, текислаб чиқдик.

Шунингдек, бугун бандлик масаласи ҳам ҳамма жойда энг катта муаммо. Шу боис асосий урғуни ишсизликни камайтиришга қаратяпмиз. Чунки ишсизлик ортидан оилада муаммолар кўпаяди. Бу муаммо эса, албатта, маҳалланинг ташвишига айланади. Ишсизлик жуда кўп нарсага бориб тақалади. Жиноят қилишга, оилалар ажралишига, болалар тарбиясига ва ҳақозоларга. Шу боис ишсизликка ечим излаяпмиз. Қишлоқ шароитида ишсизликни ер орқали енгиш мумкин.

Нима қилиш керак? Ер одамларни боқади. Ҳозирда 36 та кам таъминланган оиладан бўлган ёшларнинг ҳар бирига 15 сотихдан ер ажратиб бердик. Бу ерлардаги экинлар гуркираб чиққан. Ёшлар ердан келмай қолишган. Асосан, картошка ва памидор етиштиришяпти. Ҳудудимизда 11 та



**Гулмира САФАРОВА,
Самарқанд вилояти Иштихон
туманидаги «Моҳлар» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.**

иссиқхона бўлиб, шундан 2 тасига кредит олиб беришга кўмаклашдик. Ҳозирда шу иккита иссиқхонада ҳам 22 киши иш билан банд. Лимон етиштиришяпти, картошкани эса сотувга чиқариб бошлашди. Хурмолар гуллаб турибди. Кредитни қандай олиш мумкин ёки ундан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкинлиги хусусида фуқаролар учун ўқув курси ташкиллаштириб бердик. Асосийси, шаҳардан ёки хориждан иш излаб, кетиб қо-

лишларнинг олди олинапти.

Излаган имкон топади. Ҳаракат қилган одам қийналмайди. Қишлоқда бўлсак ҳам яхши яшашга, турмуш тарзимизни ўзгартиришга ҳаракат қиляпмиз. Саккиз йилдан буён маҳалла раисиман. Худудимдаги ҳар бир оилани муаммо-сию аъзосини яхши биламан. Ўзлари келмасидан олдин ўзим нима муаммо, деб бориб тураман. Чунки ҳар қандай муаммони бошидан ҳал этсагина кўпчи кетмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Икки йилда давлат органлари қанча техника сотиб олади?



Президент томонидан «Давлат органлари ва корхоналарини энгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор имзоланди.

Ҳужжат билан **2021-2023 йилларда давлат органлари ва корхоналари томонидан** энгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, уларнинг расмий дилерлари ҳамда дистрибьюторларидан **харид қилиш кўрсаткичлари** тасдиқланди.

Унга кўра, 2021-2023 йилларда давлат органлари томонидан жами **2 770 та** техника харид қилинади ва ушбу мақсадлар учун **1,934 трлн. сўм** ажратилади. Техникалар **давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ** сотиб олинади.

Вилоятларга «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида махсус техникаларни харид қилиш учун ҳудудий ободонлаштириш бошқармаларига 2021 йилда қўшимча 108,8 млрд. сўм маблағ ажратилади. Туман(шаҳар)лардаги ички йўллар ва марказ кўчаларини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш учун махсус техникаларни харид қилиш учун Автомобиль йўллари кўмитасига қўшимча 196,2 млрд. сўм маблағ берилади.

НАЗОРАТСИЗЛИКМИ, ЖАЗОСИЗЛИКМИ ЁКИ БОШҚА НАРСА?

Шу кунларда ғалати хабарлар кўпайди. Фарғонада 20 ёшли йигит ички ишлар бўлимига ниқоб тақмагани учун олиб кириб кетилган. Орадан озроқ муддат ўтиб, яқинларига йигитнинг мурдаси қайтариб берилди.

Ички ишлар вазирлигининг расмий муносабатида йигитга нисбатан ҳеч бир куч ишлатилмагани айтилади. Умуман, мутасаддилар вазиятни ишонса бўладиган даражада изоҳлаб беришди. Йигитнинг қариндошлари ҳам изоҳни асосли деб топган.

Бугун эса Наманганда махсус боғчада тарбияланаётган 2015 йилда туғилган болакай куйиш натижасида вафот этгани айтиляпти. Расмий муносабатлар яна аввалгидек: бола ўз эҳтиёти сизлиги оқибатида иссиқ сув жўмрагини очган ва 62 фоиз куйиш жароҳати олган. Касалхонада вафот этган. Бола 2019 йил 27 февралдан буён ушбу муассасада ақлий ривожланиши орқада қолиш ташхиси билан тарбияланиб келган. Ҳозирда вилоят прокуратураси воқеа тафсилотларини ўрганмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида содир бўлаётган бу каби воқеаларга тез-тез дуч келяпмиз. Бу эҳтимол жамиятимизга кириб келган сўз эркинлиги



шарофати бўлиши мумкин. Зеро, аввалги йилларда бу каби ҳолатлар жамоатчиликка эълон қилинмас эди. Масалан, яқинда махсус мактабгача таълим муассасасида тарбияланган қизчанинг калтаклангани, бадани моматалоқ бўлиб кетгани акс этган тасвирлар муҳокама қилинган эди. Кейин Самарқандда боғча мудираси болани аямай шапаталагани жамоатчиликни жунбушга келтирди. Олдинги йиллар ҳам болалар муассасаларида зўравонликлар акс этган лавҳалардан холи бўлгани йўқ.

Хўш, бу нега содир бўляпти? Назоратсизликми, жазосизликми ёки

бошқа нарса? Катталар қачондан буён аламини болалардан олишга ўрганишди? Муаммонинг ечими борми?

Барча МТМларни кузатув камералари билан таъминлаш, узлуксиз ёзувни ташкиллаштириш бу каби ҳолатларнинг олдини олиши мумкин. Бундан ташқари, бизда ҳамон боғча тарбиячилари, ходимларини тайёрлаш, уларнинг маоши масалалари ечимсизлигича қоляпти. Бу масалалар ҳал этилмас экан, боғчаларда тергов-суриштирув ишлари хали кўп кузатилади.

У.ИБОДИНОВ.

БИЛАСИЗМИ?

Кимлар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинади?

«Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича қўштимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, **2021 йил 10 апрелдан** Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги «Ишга марҳамат» мономаркази МЧЖ Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази давлат муассасаси этиб қайта ташкил этилади. Худди шундай, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ишга марҳамат» мономарказлари давлат муассасаси шаклида ташкил этилади.

Қарорга мувофиқ:

- жамоат ишларида иштирок этаётган ва бандликни рағбатлантирувчи субсидиялар ажратилаётган фуқароларнинг **биометрик авторизация** ҳамда **GPS-треккинг** тизимлари жорий этилади;

- худудда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда вақтинча яшаш жойига эга бўлган фуқаролар **иш қидираётган шахс сифатида** рўйхатга олинishi мумкин.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЭҲТИЁЖ БОР

Бугун аксар маҳаллалардаги асосий муаммолардан бири ишсизлик ҳисобланади. Бошқа деярли барча масалаларнинг илдизи ана шундан ўсиб чиқяпти. Таҳлил қилинса, ажралишлар, жиноятчилик, оилавий жанжаллар, ахлоқий бузуқлик ва ҳоказоларнинг кўп қисми ишсизлик сабаб вужудга келаётганига гувоҳ бўламиз.

Ота ёки она, баъзан иккиси ҳам меҳнат миграциясига кетиши фарзандларнинг қаровсиз қолиши, назоратсизлик, тарбиясининг бузилиши, таълимнинг сифатсизлиги айрим ҳолларда, ҳатто вояга етмаганлар ўртасида ҳомиладорлик, эрта туғруқ каби нохушликларга ҳам олиб келмоқда. Бу муаммоларни ҳаммадан ҳам кўра биз, маҳалла раислари яхши англаймиз. Деярли ҳар куни иш фаолиятимизда тўқнаш келаемиз.

Тўғриси, мен раислик қилаётган маҳаллада кейинги пайтларда бу муаммо анча каймайди. Бу аҳолини иш билан таъминлаш учун кредитлар ажратилаётгани, тадбиркорлик, ҳунармандчиликнинг

ривожланиб бораётгани, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар»ларнинг юритилиши, яна қатор бошқа дастурларнинг амалга киргани билан боғлиқ. Бугун ҳудудимизда 8 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилса, улардан 207 нафари меҳнат миграциясида. Аёллар масаласига алоҳида тўхталсам, Россия Федерациясининг ўзида бизнинг маҳаллада яшовчи 41 нафар 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган хотин-қизлар тирикчилик қилади.

Нима қилайлик? Борма, деган билан барибир кетишади. Пул топиш, рўзғорни бутлаш ҳаммага ҳам керак. Шунга қарамай, қўлдан келганча миграцияга кетиш иштиёқидаги

аёлларга ўзимиздан муносиб иш топиб беришга ҳаракат қиламиз. Бу борада уларнинг бирор ҳунар ўргангани бўлса, масала анча осон кечади. Жорий йил бошидан бери 5 нафар аёлни Россияга кетишдан тўхтатиб қолдик. Икки нафарига новвойхона очиш учун бўш турган бино ва кредит ажратилди. Улар ҳозир ишни йўлга қўйиб олишган.

Умуман, аҳолини иш билан таъминлашда менинг таклифим: кичик sanoat зоналари каби ва туризмга мўлжалланган ҳунармандчилик зоналарини ҳам ташкил қилиш керак. Масалан, маҳалламиз тарихий ҳудуд ҳисоблангани боис бизда ҳунармандлар кўп. Бешиксозлар, чўғирма тикувчилар, наққош-

лар, туникачилар сулоаларининг 3-5 авлодлари истиқомат қилади. Аммо фаолият тарқоқ ҳолда, ҳамма ўз ҳовлисидаги устахонада фаолият олиб боради. Агар 2 ёки 5 гектар ҳудудда тўрт-беш йўналиш учун алоҳида секторларга бўлинган ҳунармандчилик зоналари ташкил қилинса, бу зоналарга иқтисодий зоналар каби имтиёзлар қўлланилса, атрофда кичик истирожат боғи, стадион, дам олиш зоналари барпо этилиб, сайёҳлар ташрифи учун қўлайликлар яратилса, савдо ҳам юришиб кетиши, аҳолининг катта қисми муносиб иш билан



Илҳом ХУДАЙНАЗАРОВ, Хива шаҳридаги «Гулирайҳон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

таъминланиши, ёшларда ижодий ҳунармандчиликка қизиқиш кучайишига ишончим комил. Тўғри жойда қурилган, етарлича имтиёзли битта шундек зона билан, масалан, бизнинг ва қўшни маҳаллаларнинг жуда кўп муаммолари ҳал бўлиб кетиши мумкин.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР НЕГА ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИЛМАЯПТИ?

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида турли имтиёзли кредитлар тақдим этилмоқда. Бугунгача кимлардир кредит олиб, ўз бизнесини бошлаб ҳам юборган. Аммо кимлардир ҳануз имтиёзли кредитлар борасида муаммоларга дуч келаётгани, маблағ йўқлиги боис пул ололмаётганидан шикоят қилиб чарчаган.



— Давлатимиз раҳбарининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификати олмаган тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион

сўмгача микрокредитлар таъминотсиз ажратилади, — дейди «Халқ банки» АТБ масъул ходими Элнур Баҳриев. — Микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга эса учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови асосида 225 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилади. Бунда микрокредитлар 3 йил муддатгача, 6 ойгача

имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида берилади.

Муаммо нимада?

Хўш, имтиёзли кредитлар учун барча ҳудудларга маблағлар ажратилган бўлса, нега аҳоли муаммоларга ва турли хил тўсиқларга дуч келмоқда? Масала оддий. Ажратилган пуллар аллақачон айрим масъуллар томонидан «ухлатилган». Бош прокуратура ҳузурдаги Департаментнинг жойлардаги текширувларида ўнлаб жиноятлар фош этилгани гапимизнинг исботидир. Мисол учун, Чортоқ туманида таъминотчи корхона ва банк муассасаси масъуллари 226,1 млн. сўмлик имтиёзли кредитларни сохта ҳужжатлар орқали расмийлаштириб, талон-торож

қилгани аниқланган. Пастдарғом туманида эса «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида ажратилган 241,8 млн. сўм маблағ, Мингбулоқ туманида автомобилларга техник ва маиший хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш учун ажратилган 1 млрд. сўм имтиёзли кредит сохта ҳужжатларни тузиш орқали нақдлаштирилиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган. Афсуски, бундай ҳолатлар барча ҳудудларда содир этилмоқда. «Бузоқнинг югургани — сомон-хонагача», деганларидек, «уддабурон» шаввозларнинг кирдикорлари фош этилиб, барчаси қонун олдида жавобгарликка тортилмоқда. Аммо шундай бўлса-да, бундай ҳолатларга барҳам берилганича йўқ.

Нима учун? Чунки уларга нисбатан жазо чоралари енгил. Бундай ҳуқуқбузарликларга Жиноят кодексининг 167- ва 228-моддалари билан жиноят иши қўзғатилмапти. Агар ўзлаштирилган пул ўз жойига қўйилса, жазо чоралари ҳам енгиллаштирилади. Демак, қилган ишига нисбатан жазонинг енгиллиги жиноятчилар учун асқатаётгани турган гап. Шу боис халқнинг пулига кўз олайтираётганлар учун жазо чораларини кучайтириш пайти келмади-микан? Токи, қилаётган ишлари қандай оқибатларга олиб келишларини билишмагунча, жазоларнинг ҳам кучайтирилиши керакмасмикан?

**Шоҳрух
ЖЎРАХОНОВ.**

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ЧИГАЛЛИКНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЕЧИШГА УРИНИШ КЕРАК

Маҳалла раисларининг асосий шуғулланадиган вазифаларидан бири — оилавий ажралишларнинг олдини олиш ҳисобланади. Тўғриси, буни шарафли иш, деб биламан. Муқаддас динимизда ҳам жанжаллашиб қолган одамларни яраштириш, айниқса, оилалар бутлигини таъминлаш жуда савобли юмуш экани кўп бора таъкидланган.

Маҳалламизда 3 минг 137 нафар аҳоли истиқомат қилади, 661 та оила бор. Шукрки, кейинги уч йил мобайнида ҳудудимизда бирорта ажралиш қайд этилгани йўқ. Барча оилаларимиз аҳил-иноқ яшаб келишади. Бирорта норасиданинг бошига тирик етимлик қисмати тушгани йўқ.

Жорий йил бошида бир ёш оила ажралиш ёқасига келиб қолганди. Иккаласи ҳам олий маълумотли. Ўқитувчилар. Эр мактабда директор ўринбосари. Аёл эса қўшни қишлоқдаги мактабда ўқитувчи. Икки нафар — ўғил, қиз фарзандлари бор. Нима бўлибдию, орага рашк аралашибди. Бундан ташқари, келин шахарлик. Қишлоқ қийинчиликларига кўникмаган экан.

Хуллас, катта жанжаллардан кейин аёл болаларини етаклаб, онасиникига кетган. Эр олиб келмайдан, деб туриб олган. Ёшларнинг жанжалига қайнона-қайнота ҳам аралашган. Идорада маҳалланинг фаол зиёлилари, қори ака-миз, хожи боболар, отинийлар тўпланишдик. Қайнота-қайнонани чақиртирдик. Ҳар ҳолда тушунган одамлар. Болалар етим қолмаслиги кераклигини англашади. Эр-хотиннинг жанжали эса дока рўмолнинг қуригунича, дейилади. Асосийси, орага ёмон ниятдаги бирор кимса аралашмаса бўлгани. Келинни ҳам ўзимиз олиб келдик. Анчагина қилган насиҳатларимиздан кейин бир-бирига юмшашди.

Майда-чуйда айблар кечирилди. Шукрки, хозир тинч-тотув яшашяпти.

Умуман, ажралишлар масаласи республикамизда анча жиддий тус олганидан хабарим бор. Айрим вилоятларда уларнинг сони одамни хавотирга соладиган даражада. Менинг шахсий фикрим, бу масалада ба-рибир тарбия биринчи ўринда турмоғи лозим. Кўпинча ажралишларга урф-одатлар, қайнонанинг келинга солиқ солиши, куёвнинг эса келин томондан мулк таъма қилиши, келинларнинг ота уйига «гап ташиши», телефон, ёшларнинг на фикрлаш, на пул топиш борасида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қи-



лиши, қизларнинг эса «хўп»дан йироқлиги, тарбиядан беҳабарлик, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бебабрлик, айбини тан олмаслик кабилар сабаб бўлиши мумкин.

Демак, ҳамма гап барибир ёшларнинг оила ҳақида тасаввур ва унинг атрофидаги масалаларга бориб тақалади. Калаванинг учини ёинки давлат ташкилотларининг, ота-онанинг қўлига тутқазиб қўйиш эмас, чигалликни ҳамжиҳатликда ечишга уриниш

керак. Турмуш қурган эр-хотин ҳам ўзларини ҳар томонлама таъминлаш масаласида мулоҳаза юрита олишда мустақилликка эга бўлиши, нафақат ўзининг шахсий қизиқишлари, балки фарзандининг тақдири борасида ҳам масъулиятни ҳис этиши лозим.

**Саъдулла
ЭШНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти
Богот туманидаги
«Юксалиш»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.**

БОЛАЛАРНИНГ РИЗКИГА ЧАНГ СОЛИШЛАР ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Боғчаларда болаларнинг ҳақиқага кўз олайтиришлар бўлиши ҳақида олдиндан гап-сўзлар юради. Бунинг ҳақиқатлигини тасдиқловчи ҳолатлар ҳам фош этилган.



Рости ҳам, моддий бойликлар мавжуд жойда ўғирликлар бўлиб туриши ажабланарли эмас. Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманидаги 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотидаги аҳвол ҳам шу фикрни тасдиқлади. Қизиғи, ДМТТ директорининг бу борадаги қилмишлари болажонларни эмас, ҳатто муассаса ходимларининг жонидан ҳам тўйдирган экан. Улар иқтисо-

дий талон-торожга йўл қўйгани учун вазифасидан озод қилинган раҳбар суд қарорига асосан қайта ишга тиклангани учун норозилик билдириб, кўчага чиқишгача боришди.

Мактабгача таълим вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, директор Э.Бекбергенова томонидан **399,2 млн.** сўмлик молиявий хатокамчиликларга йўл қўйилган. **Жумладан,** озиқ-овқат

маҳсулотларини кунлик таомноларга қўшиб ёзиш натижасида **7,3 млн.** сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари асоссиз ҳисобдан чиқарилган. 2018-2020 йилларда **5,7 млн.** сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрдан кўп таомномага киритилиб, ортиқча ҳисобдан чиқарилган. ДМТТ омбор мудир ва ошпазларининг тушунтириш хатларига кўра, ДМТТда 2018-2020 йилларда таомномага ёзилган гўшт ва сут маҳсулотларининг ярми, яъни **4 932 кг. 159,6 млн.** сўмлик гўшт ҳамда **15 504,5 литр 53,1 млн.** сўмлик сут маҳсулотлари қозонга солинмаган.

Бундай ҳолатлар бошқа мактабгача таълим ташкилотларида юз бермаяпти,

деб айтиш қийин. Хўш, мазкур қонунбузарликларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Ахир жажжиларнинг ризкига чанг солишдан ҳам тоймайдиган кимсаларнинг қилмишларига чидаш мумкинми?

Айтиш жоизки, бу аҳвол бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Йиллар давомида шундай бўлишига кўникканмиз. Нима сабабдан? Боиси, ушбу масканларга нафси бузуқ кимсалар ўз-ўзидан ўрнашиб ололмади. Юқорида уларни қўллаб-қувватловчи, **қолаверса,** ўғирликларидан манфаатдор таянчлари бор.

Халқ аксариятига қанча ўғирлик қилсада, бало ҳам урманини, уларнинг устидан қилинган қанча шикоятлар

оқибатсиз қолганини ўз кўзи билан кўриб келяпти. Ахир юқоридаги ҳолатда ҳам коррупциячи раҳбарнинг суд қарори билан қайта ишга тикланишига қандай кучлар ёрдам берганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу нимани англатади? Битта тизимни алоҳида олиб коррупциядан тозалаш қийин. **Биринчи навбатда,** бу ишни унга таъсир ўтказиш кучига эга идоралардан бошлаш керак. Чунки бу идоралар нафақат мазкур тизимдаги, балки барча соҳалардаги муҳитни ҳам издан чиқаради. Агар бу иш қилинмас, боғча раҳбарини қайта-қайта алмаштирган билан ўғирликлар давом этаверади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

ТАРТИБ-ИНТИЗОМ

МАСТ ҲАЙДОВЧИЛАРНИ ҚАНДАЙ ИНСОФГА КЕЛТИРИШ МУМКИН?

Йўл-транспорт ҳодисаларига кўп ҳолларда ҳайдовчиларнинг маст ҳолда автомобиль бошқариши сабаб бўлади. Масалан, Фарғона вилоятининг Данғара туманида маст ҳолда автомобиль бошқарган ҳайдовчи йўлнинг қатнов қисмида кетаётган икки нафар пиёдани уриб юборди.

Натижада улардан бири вафот этди. Афсуски, бундай фожиали ҳолатлар кам эмас. Шундай пайтда беихтиёр ҳайдовчиларнинг масъулияти ҳақида ўйлаб қолсан, киши.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХХ бошлиғининг биринчи ўринбосари Қудрат Йўлдошевнинг: «**Ходимларимиз томонидан бир сутка давомида алкоголь истеъмол қилиб, маст ҳолатда транспорт бошқариш билан боғлиқ ўртача 15-20 та ҳолат аниқланади. Маст ҳайдовчилар пиёдалар ўтиш йўлагидан ўтаётган йўловчиларни уриб кетиш ҳолатлари ҳам учраяпти. Шунингдек, ҳаракатланишга ҳеч қандай тўсиқ бўлмаса-да, мастликлари тўфайли**

бошқарувни йўқотиб, бирор жойга урилиб вафот этган ҳайдовчилар ҳам бор», — дея айтган фикрлари бу борадаги вазият ҳақиқатан ҳам ачинарли эканини англатади.

Қудрат Йўлдошев келтирган яна бир маълумотга кўра, йил давомида маст ҳолатда такроран транспорт воситасини бошқарган 79 нафар ҳайдовчи аниқланган.

Хўш, нима сабабдан ҳайдовчилар ўртасида спиртли ичимлик истеъмол қилиб рулга ўтириш ҳолатлари кўп учраяпти? Бошқаларнигина эмас, ўзининг ҳаётини ҳам хавф остига қўйиш учун инсон қанчалик даражада бефарқ бўлиши керак?

Албатта, ҳаммаси «ҳеч нарса бўлмайди», дея ўзини алдашдан бошланади. Ваҳоланки, кўза кунда

эмас, кунда синади. Спиртли ичимлик ичиб олиб рулга ўтириб, қандай қилиб йўл-патруль ходимларига чап бериш ҳақида бош қотирадиган шоввозлар кўп учрайдилар. Гўёки машинани ҳушёр ҳолда бошқариш йўл-патруль ходими текшируви учун аҳамиятли.

Кўпинча бундай одамларга инсоф тилаш билан кифояланамиз. Бу одатнинг оқибати қанчалик аянчли бўлиши мумкинлигини жамоатчиликка кенг тушунтириш ҳақида гапирамиз. Шубҳасиз, одамларга инсофни эслатиш, тарғибот ишларини олиб бориш яхши чора ҳисобланади. Бунинг устига, ушбу қоидабузарлик учун белгиланган жарима унча-мунча масъулиятсиз ҳайдовчининг эсини киритади. Баъзилар бу ҳам кам, янада кучайти-



риш керак, дейишади. Балки шундай қилиш зарурдир.

Бунга қўшимча равишда яна бир таклифни айтмоқчимиз. Айрим Фарб давлатларида ресторандан алкоголь ичимлик ичиб чиқиб машинасини ҳайдаб кетса, ўша ресторан ходимлари йўл посбонларига хабар беришади. Сабаби, агар маст ҳайдовчи қўлга тушса, хабар бермагани учун ресторан эгаси ҳам жаримага тортилади.

Ушбу амалиётни бизнинг юртимизда ҳам йўлга қўйиш зарур, деб ўйлаймиз. Тўғри, баъзи ҳолларда меҳмондорчиликда ичиб рулга ўтириши мумкин. Шундай ҳолатда хабар бериш мажбурияти мезбонга юклатилиши лозим. Натижада мезбон хабар беришгача борма-са-да, бундай қоидабузарлик келиб чиқшининг олдини олишга ҳаракат қилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

ЕРТЎЛАДА КИМЛАР ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИШИ МУМКИН?



Бугунги кунда кўп қаватли уйларнинг ертўлалари тадбиркорларга берилиши ҳақида турли хил фикрлар ва тортишувлар юзага келмоқда. Маълумки, тадбиркор ўзи иқтисодий фойда олиши билан бирга, ишчи ўринларини ҳам яратиши мумкин.

Ертўлаларда қай тарзда ўз фаолиятини очишни ёки қандай йўл тутишни билмаётганлар талайгина. Чунки анча йиллардан буён ўша уйларда истиқомат қилаётган аҳолининг қаршилигига дуч келиниши тайин. Аслида бунинг тартиби қандай?

— **Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 декабрдаги йиғилиш қароридан келиб чиқиб, ертўлаларини тадбиркорлик субъектларига бериш амалиётига бандликни таъминлаш мақсадида рухсат берилди, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш нозорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Абдуназар Пардаев.** — Албат-

та, унинг тартибида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, санитария ҳолатларига, ёнғин хавфсизлигига жавоб бериш талаблари киритилган. Қандай турдаги тадбиркорларга бу ерларни бериш рўйхати шакллантирилган. Аммо бу дегани ҳамма кўп қаватли уйлар тадбиркорларга берилади, дегани эмас. Ҳозирча фақат Тошкент шаҳрининг Сергели ва Янги ҳаёт туманларида тажриба ҳолатда кўп қаватли уйларнинг ертўлалари тадбиркорларга бериляпти.

Тадбиркорликнинг қайси йўналишига берилади? Асосан, газета-журнал ва китоб сотиш учун, сартарошлик ва хизмат кўрсатиш, тикувчилик цехлари очиш учун берилади.

Кимларга берил-

маслиги керак? Ўша уйда яшовчиларга зиён етказувчи, шовқин қилувчи, ҳид тарқатувчи фаолият билан шуғулланувчиларга рухсат этилмайди.

Кимга мурожаат қилиши керак?

Тадбиркор ертўлада ўз фаолиятини очишдан олдин, биринчи навбатда, кўп қаватли уйларнинг бошқарув органларига, яъни ширкатларга мурожаат қилиши керак. Ўша ширкат раҳбарига ариза берилади ва юритмоқчи бўлган тадбиркорлик лойиҳа-

сини тақдим этилиши шарт. Қанча иш ўрни яратаётгани ва қанча маош белгилаши ҳақида ҳам тақдим этиши лозим. Яна бир жиҳати, тадбиркорга берилган ертўла ўзбошимчалик билан ўзгартирилиши керак эмас. Агар эшик ёки дераза очмоқчи бўлса, албатта, Қурилиш вазирлигидаги шахарсозлик нормасига асосланиб, рухсатнома олинади.

Таклиф: айна пайтда шахарларда кўп қаватли уйлар жуда кўп. Аммо уларнинг ҳаммасининг ертўла-

си талаб даражасида, деб бўлмайди. Қайси бирини сув босган ёки бошқасида трубалар чирганидан муаммолари кўпайган. Мана шундай уйларни ишлайман, деб жой излаб юрган тадбиркорга қандайдир имтиёз билан берилса, албатта, у ўз маблагини тикади. Ўша ерни ҳам таъмирлаган, ҳам ишсизларни иш билан таъминлаган бўларди. Бу эса қайсидир муаммоларга барҳам берилиши учун кўмак бўлармиди?

Нилуфар ЮНУСОВА.

ҲОЛАТ

НЕГА ТЕСТ ИККИ ХИЛ НАТИЖАНИ КўРСАТМОҚДА?

Ўзгарувчан об-ҳаво шароитида одамлар орасида шамоллаш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кўпайди. Айримлар эса бу коронавирус аломатимасмикан, деган шубҳага боришмоқда. Ўпка яллиғлиги кузатилаётган айрим фуқаролар коронавирусга тест топширганда, таҳлил натижаси манфий чиқмоқда.

Тест натижаси манфий чиқса ҳам, касаллик симптомлари бор-ку, деб шубҳага тушяптилар. Шунинг учун тест топширишдан олдин инфекционист кўригидан ўтиш керак.

— **Терапевт-инфекционист кўригидан ўтган кишида касаллик аломатлари бўлса ва эпидемиологик кўрсатма берилса, уни коронавирусда гумон қилиб текшириш мумкин, — дейди Тошкент врачлар малякасини ошириш институти ректори, Коронавирусга қар-**

ши курашиш штаби аъзоси, профессор Ҳабибулло Оқиллов.

— **Коронавирус пандемиясидан олдин ҳам аҳоли ўртасида оддий шамоллаш ҳолатлари кўп бўлган, шу жумладан, пневмония ҳам. Икки марта коронавирусга тест топшириб, иккаласида ҳам тест натижаси манфий чиқса-да, ўзини ёмон ҳис қилаётганлар ёки коронавируснинг ҳамма симптомларини кузатаётганлар ҳақида ҳам эшитиб қоламиз. Бунда ўша беморларда бошқа касалликнинг**

аломатлари кечаётган бўлиши мумкин. **ЖССТ маълумотларига кўра, вирус юқтирган ёки ташувчи инсонларнинг вирусдан халос бўлиш муддати ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ўзини яхши ҳис этиб қайта-қайта тест топширигани билан баъзиларда вирус борлиги аниқланмоқда.**

Яна бир гап. Кейинги пайтда тестнинг ноаниқ эканлиги ҳақида ҳам гап-сўзлар тарқалмоқда. Хусусий клиникалар билан ҳудудлардаги СЭСлар

томонидан қилинаётган анализ жавоблари икки хил кўрсатаётганини билдиришмоқда. Бу ҳолат эса барчада шубҳа уйғотиши тайин. Бу борада мутасаддилар яна бир қарра ўйлаб кўришса яхши бўлармиди?

Муаммо нимада?

Табиийки, хусусий клиникаларда анализ топшириш учун яхшигина пул тўлаш керак. Ўпкани тамография қилиш 350 минг сўмдан бошланиб, 480 минггача нархланган бўлиб, антитела экспресс тест эса 280 минг сўмда

нархланган. Буни чўнтаги кўтара олади-ганларгина қилдира олиши кундай равшан. Поликлиникаларда эса фақат рентген аппаратларига мавжуд бўлиб, шифокорларнинг ўзи ҳам томографияга тушишни маслаҳат беришади. Шундай экан, ҳеч бўлмаса, тезкор текширувлар учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, ўз вақтида қилинса, келиб чиқаётган муаммоларнинг олди олинган бўлармиди.

Нилуфар ЮНУСОВА.

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» масъулияти чекланган жамияти

Бош директор
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Санжар ИСМАТОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов

Навбатчи: Т. Шерноев

Саҳифаловчилар: И. Болтаев

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:

Қабулхона: 71 233-39-89,

Котибият: 71 237-56-80,

Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 6 босма табоқ, 8550 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-418 1 2 3 4 5 6